

**ҲАЗОРАТЛАР  
ТУҶНАШУВИНИНГ  
МУҶАРРАРЛИГИ**



**Ҳизбут Таҳрир  
нашрларидан  
1423ҳ - 2002м**

## **Ҳазоратлар тўқнашувининг муқаррарлиги**

Ушбу китобча ўзбек тилида Ҳизбут Таҳрир тарафидан  
2003 йилнинг апрел ойида чоп этилган  
Сафар 1423 ҳижрий - Май 2002 милодий йил

## Мундарижа

Ҳазоратлар тушунчаси .....	5
Ҳазоратлар орасидаги суҳбат тушунчаси .....	8
Ҳазоратлар орасидаги тенглик фикрати .....	15
Бошқа дин ва ҳазоратларни қабул қилиш фикрати .....	17
Муқобил ҳазорат фикрати .....	23
Ҳазоратлар орасидаги кураш. Ислом билан ўзга ҳазоратлар орасидаги кураш тарихи.....	24
Ҳазоратлар курашининг турлари.....	35
<i>Фикрий кураш</i> .....	35
<i>Иқтисодий кураш</i> .....	37
<i>Сиёсий кураш</i> .....	39
<i>Ҳарбий кураш</i> .....	42
Исломдаги ҳазорий курашни инкор қилувчиларнинг гумонли далиллари .....	45
Талаб жанги (ҳужумкор жиҳод)ни инкор қилувчиларнинг гумонли далилларига раддия.....	52
Хотима.....	56

## **Оят таржимасининг маъноси**

Шу нарса эътироф қилиниши лозимки, Қуръон ояти деб араб тилидаги матнгагина айтилади. Ушбу китоб ичида **курсив** қилиб ўзбек тилида келтирилган матн оятлар таржимасининг маъносидир.

Пайғамбар ﷺнинг ҳадислари **қалин** ҳарфда келтирилган.

ﷺ - соллоллоҳу алайҳи ва саллам

ﷻ - разияллоҳу анҳу/анҳо

ﷺ - алайҳис-салом

[www.hizb-ut-tahrir.org](http://www.hizb-ut-tahrir.org)

## ҲАЗОРАТЛАР ТУШУНЧАСИ

Ҳазорат - ҳаёт ҳақидаги тушунчалар мажмуидир. У диний-илоҳий ёки вазъий-башарий бўлиши мумкин. Диний-илоҳий ҳазорат, худди Ислом ақидасидан балқиб чиққан Исломий ҳазорат каби, ақидадан балқиб чиқади. Вазъий-башарий ҳазорат эса динни ҳаётдан ажратиш ақидасидан балқиб чиққан Фарбнинг капиталистик ақидасига асосланган бўлиши мумкин ёки - шинто, юнон, бобил ёки ошурийлар ҳазоратлари каби - ақидадан келиб чиқмаган бўлиши мумкин. Бу ҳазоратлар бир неча халқлар уларни қабул қилган ҳаёт ҳақидаги тушунчалар мажмуи бўлиб, миллий ёки вазъий ҳазорат деб аталади.

Бундан ташқари, бир ёки бир неча халқларнинг ўзида ҳаёт ҳақидаги тушунчаларни мужассам этмаган муайян ақидаси ва дини бўлиши мумкин, худди насронийлик ёки буддизм каби. Инсонлар ҳаёт тўғрисида ўзларига хос тушунчаларни қабул қилади, ўша тушунчалар уларнинг ҳазоратини шакллантиради. Аммо у ҳазоратнинг уларнинг динига алоқаси бўлмайди, чунки у диндан балқиб чиқмаган. Шу сабабли, уларнинг ўз дини бўлишига қарамай, ҳазоратлари илоҳий бўлмайди. Бинобарин, бир неча халқлар динлари турли бўлишига қарамасдан, битта ҳазоратда муштарак бўлиши мумкин - худди япон, ҳинду, сикх ва фаранглар каби. Уларнинг дини турли бўла туриб, ҳазоратлари битта, яъни капиталистик ҳазоратдир.

Ҳаёт ишларида истеъмол қилинадиган ва сезгилар ёрдамида ҳис қилинадиган нарсаларнинг моддий шакллари - баъзан ҳазоратдан келиб чиққан бўлса-да - ҳазорат дейилмайди. Биз тушунчалар мажмуини ифодалайдиган «ҳазорат» лафзидан фарқланиб туриши учун моддий шаклларни «маданият» деб аташимизга монелик қиладиган ҳеч нарса йўқ. Ҳайкаллар каби муайян ҳазоратдан келиб чиққан моддий шакллар хос маданиятнинг бир қисми бўлади. Аммо моддий шакл - телевидение, ракета, самолёт ва пенициллин каби - илм-фан ва саноатдан келиб чиққан бўлса, у умумий маданиятнинг қисми ҳисобланади. Демак, маданият хос ва умумий бўлади, ҳазорат эса, аксинча, фақат хусусий бўлади. Бундай таснифнинг маъноси уни олиш-олмасликка боғлиқдир, яъни хусусий маданиятни ўзгалардан олишимиз жоиз эмас, умумийсини эса олиш жоиз.

Ҳазорат билан маданият ўртасидаги фарқ доимо мулоҳаза қилинмоғи лозим. Шунингдек, ҳазоратдан келиб чиқадиган моддий шакллар билан илм-фан ва саноатдан келиб чиқадиган моддий

шакллар орасидаги фарқ ҳам мулоҳаза қилинмоғи лозим. Ушбу фарқлаш муайян маданиятни олишда унинг моддий шакллари ҳамда маданият билан ҳазорат ўртасидаги фарқни ажрата билиш учун зарурдир. Масалан, илм-фан ва саноатдан келиб чиққан Ғарб маданиятини олишга монелик қиладиган ҳеч нарса йўқ. Аммо Ғарб ҳазоратидан келиб чиққан Ғарб маданиятини ҳеч бир ҳолатда олиш жоиз эмас, чунки у барпо бўлган ақида Ислом ҳазоратига зиддир. Биз мусулмонларнинг ақидамыз уларнинг ўртача ечим ва динни ҳаётдан ажратиш асосига қурилган ақидасидан ўзгачадир. Дунё ҳаётини тасвирлаш ёки ишлар ўлчови бизнинг наздимизда ҳалол ва ҳаром билан ўлчанса, уларда фақат моддий манфаат билан ўлчанади. Доимий хотиржамлик ҳисобланмиш бахт-саодат маъноси биз учун Аллоҳнинг розилигига эришиш бўлса, улар учун жисмоний лаззатга эришишдан иборат.

Шу сабабли, биз бошқалардан оладиган ёки олмайдиган нарсаларни аниқ билмоғимиз учун ҳазорат билан маданият ўртасидаги фарқни ҳамда дунёқарашдан келиб чиққан маданият билан илм-фан ва саноатдан келиб чиққан маданият ўртасидаги фарқни ажрата билишимиз лозим.

«Тушунчаларни ҳазорат, моддий шаклларни эса маданият деб аташнинг боиси нима, ахир ҳазорат сўзи шаҳар ва қишлоқларда муқим туришни англатса, маданият сўзининг негизи бўлмиш мадана сўзи ҳам муқим туриш ёки шаҳарга келишни англатса, нима учун акси эмас?» дейилиши мумкин. Бунинг жавоби шуки, ҳазорат луғатда фикрларга тааллуқли маънолар учун истеъмол қилинган, демак у тушунчалар ифодаси учун яқинроқ, зеро «Қомус»да: «Чиройли гапирувчи ва илмли киши **«ҳозур»**», дейилади; «Лисон»да эса «Чиройли гапирувчи **«ҳазр»**, яхшилик билан келганда **«ҳозир»**» дейилган; шунингдек, ҳадисда: «(**«Яҳзуркум»**) ўзингизда мавжуд нарсани айтишлар ва бошқасини деб ўзингизни қийнаманглар», деб келтирилади. Демак, ҳазорат сўзи тушунчалар мажмуи учун истеъмол қилинишга маданият сўзидан кўра муносиброқ ва яқинроқдир, маданият сўзи эса моддий шакллар истеъмолига лойиқроқ. Айрим кишилар ушбу истилоҳларда қарама-қаршилиқ ёки зидлик йўқ, дейди. Мухими, тушунчалар ҳамда уларнинг маҳсули бўлмиш моддий шакллар билан илм-фан, кашфиёт ва саноат маҳсули бўлмиш моддий шакллар орасини ажрата билиш, зеро биринчиси олиниши жоиз эмаслиги туфайли тарк қилинади, иккинчисини олиш эса жоиздир.

Ҳазорат бу - ҳаёт ҳақидаги тушунчалар мажмуи бўлиб, диний-илоҳий ёки вазъий-башарий бўлиши мумкин, деб ўтдик. Диний-илоҳий

ҳазоратнинг мисоли Ислом ҳазорати, вазъий ҳазоратнинг мисоли эса индуизм ва капиталистик ҳазоратдир. Ушбу ҳазоратларнинг мавжудлиги аниқ ва инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Ораларидаги фарқ ҳам худди шундай, уни фақат бефаҳм кимсагина инкор қилиши мумкин. Диний ҳазоратнинг манбаи - унинг соҳиблари учун - ваҳий бўлса, вазъий ҳазоратнинг манбаи уни қабул қилган халқдир. Шунинг ўзи, гарчи айрим тушунчалар ҳамоҳанг кўринса ҳам, улар орасидаги фарқни тушунишга етарли. Уларнинг ҳамоҳангдай кўриниши мувофиқлик ҳам, муштараклик ҳам эмас, негаки ҳазорат олинаётганда у келиб чиққан асли ёки бино бўлган асоси билан бирга олинмоғи лозим. Демак, икки ҳазорат барпо бўлган асос турли бўлса, айрим тушунчаларнинг бир-бирига мувофиқлиги ёки ҳаёт ҳақидаги тушунчаларининг ўхшашлиги эътиборга олинмайди. Зеро, тушунча аслнинг тармоғидир ва фақат ўз асли билан бирга олинади. Исломий ҳазорат ҳам, капиталистик ҳазорат ҳам балиқ ейишга, жунли мато кийиш, шахсий мулк, аёл ваколати, ҳокимни муҳосаба қилиш ва даволанишга рухсат беради. Бироқ, ушбу ва ўзга жиҳатларнинг Аллоҳ томонидан Муҳаммад ﷺ га ваҳий қилинган шариат деган эътиборда олинишигина Исломий ҳазоратдан саналади. Айни шу вақтда улар капиталистик ҳазоратга биноан манфаатли бўлгани ёки ақл уларни гўзал деб санагани туфайли олинади. Агар мусулмон киши уларни манфаатли бўлгани ёки ақли ёқимли деб билгани учун оладиган бўлса, уларни Ислом учун олган деб ҳисобланмайди.

Ҳазоратлар орасидаги зиддият инкор қилиш мумкин бўлмаган ҳақиқатдир. Биз учун муҳими Исломий ҳазорат билан ўзга ҳазоратлар, хусусан капиталистик ҳазорат орасидаги зиддият; ундан келиб чиқадиган ёки унга асосланадиган масалалар - масалан: суҳбат қуриш, тўқнашиш, оламшумул ягона ҳазоратни вужудга келтиришнинг мумкинлиги, курашиш суратлари ва шакллари, унинг муқаррар давом этиши ёки этмаслиги ҳамда бир ҳазоратнинг бошқалари устидан голиб бўлиши, динлар орасидаги суҳбатга чақираётганлар бу билан нимани кўзда тутаётгани, унга нисбатан қандай мавқе эгаллаш лозимлиги, шунингдек, динлар, ҳазоратлар ва ўзга жиҳатлар орасидаги фарқларни англашдир.

Динлар икки турлидир. Ислом дини каби ўзидан ҳазорат келиб чиқадиган, яъни ҳаёт ҳақидаги тушунчалар мажмуини мужассам этган дин ва насронийлик каби ўзидан ҳазорат келиб чиқмайдиган, яъни ҳаёт ҳақида фикр бермайдиган дин. Насронийликда, гарчи ўғирлик ёки зино қилма, дейдиган фикрлар бўлса ҳам, ҳаётнинг барча тарафларини қамраб оладиган тушунчалар мажмуи мавжуд эмас. Шунга биноан

насронийлик ўзидан ҳазорат келиб чиқмайдиган динга мисол бўла олади.

Капиталистик ҳазорат, аҳолисининг аксарияти насроний бўлган юртларда вужудга келган бўлишига қарамасдан, насронийликдан келиб чиққан эмас. Шунинг учун Ислом билан насронийлик ўртасидаги ҳамкорлик, кураш ёки суҳбат Ислом билан капитализм ҳазорати ўртасидаги суҳбат ёки курашдан фарқ қилади.

## **ҲАЗОРАТЛАР ОРАСИДАГИ СУҲБАТ ТУШУНЧАСИ**

Биз суҳбат ёки кураш борасида гапирганимизда бир тарафдан мусулмонлар, уларнинг дини ва ҳазоратларини, иккинчи тарафдан насронийлар ва уларнинг дини ҳамда капиталистлар ва уларнинг ҳазоратларини кўзда тутамиз. Капиталистик ҳазоратнинг етакчи ва муфаккирлари Ислом ва унинг соҳиблари, яъни Ислом ва мусулмонлар орасини ажратиб ташлашга маккорларча уриниб келмоқда. Улар «Ислом буюк, аммо мусулмонлар қолоқ, улар орасида террористлар ҳам бор», демоқда. Ҳолбуки улар бу гаплари билан ёлғон сўзламоқда, негаки агар Ислом улар наздида ҳақиқатан буюк дин бўлганда, улар уни қабул қилган бўлар эди. Бу билан улар қайсидир мусулмон халққа зарба бериш ёки ўз ҳазорати тушунчаларини мусулмонлар орасида ёйиш оқибатида юзага келадиган қаршилик туйғусини сўндириб, соддадил мусулмонларни чалғитишга ҳаракат қилади. Улар Исломий ақида мусулмонлар қалбида ҳали ҳануз мавжудлиги ва жуда кучлилигини жуда яхши билади. Агар улар ўз адоватини ошкор қиладиган бўлса, бу билан мусулмонлар туйғусини жунбишга келтириб, уларни фаоллаштириб қўйган бўлади. Шу сабабли улар ушбу чалғитувчи ибораларни мусулмонлар онгини захарлаш ва уларни алдаш йўлидаги қурол сифатида ишлатмоқда. Айрим мусулмонлар эса бу хўракни ютиб юбориб, насроний ва капиталистлар таклиф қилаётган ёки уларга малай бўлиб қолган муфаккирлар ташвиқот олиб бораётган маънодаги суҳбат қуришни қабул қилмоқда. Улар шу тарздаги суҳбатлашишга таъриф беришда ўз эътиборини уч нарсага қаратмоқда: биринчиси - динлар ва ҳазоратлар тенглиги, бирорта дин ёки ҳазоратнинг ўзга дин ёки ҳазоратдан устун ёки афзал эмаслиги; иккинчиси - суҳбат мавзуси бошқа ҳамсуҳбатнинг фикринигина билиб қўйиб, уни танқид ёки бекор қилишга уринмасликка чекланиши; учинчиси - икки дин ва икки ҳазорат орасидаги умумийлик нуқталарини топиб, муқобил ҳазоратни вужудга келтириш.

Юқоридагилар уларнинг наздидаги суҳбатлашиш тушунчаси бўлиб, уларнинг иддаоси бўйича бу: «Ягона умумий асосда олиб бориладиган ва юксак муқобил ҳазорат пайдо қиладиган сақофий хос жиҳатлар орасидаги сермаҳсул муносабатдир» (доктор Милод Ханна 2001 йил 2 апрел куни Қоҳирада ўтказилган маданият анжуманида сўзлаган нутқидан). «Қачонки ҳазоратлар ўзаро муштарак ва инсонпарвар асос қидириб топса юксалади, гуллаб яшнайти ва тинчликни ёяди» (Исломиё ўқув юртлар конференцияси ташкилоти бош котиби доктор Жаъфар Абдуссалом). Уларнинг бири эса шундай дейишгача етиб борди: «Ислом алоқа ўрнатиш, муносабат ва ривожланиш динидир, у - бировлар айтаётганидек - ёпиқ, ўз қобигига ўралиб олиш дини эмас. Аксинча, Ислом ва мусулмонларнинг олтин даври Исломий ҳазорат оламдаги бошқа ҳазоратлар билан алоқа қилган вақтда ҳамда дунёга ёйилиб, бошқа башарий мерос ва ҳазоратлардан бойиб, уларни тўлиқ ўзлаштириб, ўзининг мероси ва ҳазоратини уларга инъом этганда юз берганди. Ана ўша Исломий давлатнинг олтин даври бўлган эди» (доктор Қосим Жаъфар 2001 йил 29 сентябрда «Ал-Жазира» телеканалининг «Америкадаги портлашлар: ҳазоратлар тўқнашуви ёки суҳбатлашишига сабабми?» сарлавҳали «Асрнинг биринчи уруши» рукни остидаги давра суҳбатидаги нутқи). У давом этиб яна шундай деди: «Биз араб ва мусулмонлар деган эътиборда бу муаммодан воз кечишимиз лозим... биз тобелик мавқеида эмас, балки тенглик мавқеида туриб жаҳондаги пешқадам ўринни эгаллашимиз учун ўзимизга, ҳазоратимизга, тарихимиз ва меросимизга чуқур ишонишимиз лозим...». Бошқа бир «суҳбат қатнашчиси» бундай деди: «Ислом ҳазорати жаҳондаги мавжуд ҳазоратлар орасидаги умумийлик устига бино бўлган, у ўзга ҳазоратлар билан алоқа ўрнатиб, уларни қабул қилади» (Амр Абдулкарим, сиёсатшунос, **IslamOnline.net**). Бошқа бири эса ҳазоратлар суҳбатини қувватлаш учун Қуръони Карим оятларидан далил келтиришга уриниб шундай деди: «Ва бизнинг улуг Қуръонимиз бошқалар билан суҳбатлашиш кайфиятини таъкидлайди: мушриклар билан суҳбат қуришга:

وَإِنْ أَحَدٌ مِنَ الْمُشْرِكِينَ اسْتَجَارَكَ فَأَجِرْهُ حَتَّى يَسْمَعَ كَلَامَ اللَّهِ

– „*(Эй Муҳаммад), агар мушриклардан биронтаси сиздан ҳимоя сўраса, бас, уни ҳимоя қилинг, токи у Аллоҳнинг каломини эшитсин*“.

[9:6]

Кофирлар билан суҳбат қуришга:

قُلْ يَا أَيُّهَا الْكَافِرُونَ

– „*(Эй Муҳаммад), айтинг: «Эй кофирлар!»*“

[109:1]

Жаҳонда ҳозир мавжуд расмий динлар билан суҳбатлашишга:

يَا أَهْلَ الْكِتَابِ تَعَالَوْا إِلَى كَلِمَةٍ سَوَاءٍ بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمْ أَلَّا نَعْبُدَ إِلَّا اللَّهَ وَلَا نُشْرِكَ بِهِ شَيْئًا وَلَا  
يَتَّخِذَ بَعْضُنَا بَعْضًا أَرْبَابًا

– „Эй аҳли китоб (яъни, яҳудий ва насронийлар), бизга ҳам, сизга ҳам баб-баробар бўлган бир сўзга келингиз - ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилайлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва бир-бировларимизни Аллоҳдан ўзга худо қилиб олмайлик“.

[3:64]

Ва бошқалар билан суҳбатлашишда тенглик мавқеи асос бўлиши керак... Биз мусулмон бўлганимиз туфайлигина кураш абадий давом этиши ҳақида гапиришимиз мумкин эмас, деб Қуръондаги ушбу:

تَعَالَوْا إِلَى كَلِمَةٍ سَوَاءٍ بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمْ

– „... бизга ҳам, сизга ҳам баб-баробар бўлган бир сўзга келингиз“.

[3:64]

оятга ишора қилдим. Бу оят биз насронийлар билан суҳбатлашимиз мумкинлигини англатади. Биз яҳудийлар билан ҳам, бошқалар билан ҳам суҳбатлашаверамиз. Қандай қилибми? Оят «бизга ҳам, сизга ҳам баб-баробар сўз», - демоқда. Шунинг учун бизнинг сўзимизга келинг, суҳбатлашамиз, демаймиз». (Эрон президенти маслаҳатчиси Атоуллоҳ Муҳожироний, юқорида зикр қилинган давра суҳбатидаги нутқидан). Шунингдек, динлар ўртасида умумий махражга асос солиш учун динлар суҳбатига чорлаб, улар ўртасидаги зиддиятлар тўғрисида - мусулмонлар онгини заҳарлаш учун - чурқ этмаётган кимсалар ҳам мавжуд. «Иброҳим фарзандлари» деган атамага ишора қилиб, учала динни олиб келганлар бир ота, яъни Иброҳим عليه السلامнинг фарзандлари дея динлараро суҳбатни кучайтиришга чақираётганлар ҳам бор. Айрим мусулмонлар Қуръони Карим оятлари билан барча пайгамбарлар мусулмон бўлганлигини исбот қилмоқда. Масалан, Аллоҳ Таоло Нух عليه السلام тиллари билан шундай деган:

وَأْمُرْتُ لِأَنْ أَكُونَ أَوَّلَ الْمُسْلِمِينَ

– „Ва мен мусулмонларнинг-бўйинсунгувчиларнинг аввали-пешқадами бўлишга буюрилганман“.

[39:12]

Иброҳим ва Исмоил тиллари билан шундай деган:

رَبَّنَا وَاجْعَلْنَا مُسْلِمِينَ لَكَ وَمِنْ ذُرِّيَّتِنَا أُمَّةً مُسْلِمَةً لَكَ

– „Парвардигоро, бизни Ўзингга бўйинсунгувчилардан қилгин ва зурриётимиздан ҳам Ўзингга итоат қиладиган кишилар чиқаргин“.

[2:128]

Лут عليه السلام қавмлари ҳақида шундай деган:

فَمَا وَحَدَّثْنَا فِيهَا غَيْرَ بَيْتٍ مِنَ الْمُسْلِمِينَ

– „(Лекин) у жойда бир хонадон (яъни Лут пайғамбар хонадони)дан ўзга мусулмонларни топмадик“ [51:36]

Ва ҳаворийлар тиллари билан шундай деган:

وَأَشْهَدُ بِأَنَا مُسْلِمُونَ

– „(Эй Ийсо), гувоҳ бўлгинки, биз Аллоҳга бўйинсунгувчилармиз“ [3:52]

Ким билсин, яқинда яҳудий ва насронийларни мусулмон дейдиган кимсалар ҳам пайдо бўлар. Ҳозир биз учала дин издошларини мўмин деяётганларни ҳам эшитмоқдамиз, ҳолбуки Қуръони Каримнинг субути ва далолати қатъий нусуслари яҳуд ва насронийлар кофир эканлигини аниқ келтирган. Аллоҳ Таоло айтади:

إِنَّ الَّذِينَ يَكْفُرُونَ بِاللَّهِ وَرُسُلِهِ وَيُرِيدُونَ أَنْ يُفَرِّقُوا بَيْنَ اللَّهِ وَرُسُلِهِ وَيَقُولُونَ نُؤْمِنُ بِبَعْضٍ وَنَكْفُرُ بِبَعْضٍ وَيُرِيدُونَ أَنْ يَتَّخِذُوا بَيْنَ ذَلِكَ سَبِيلًا ﴿١٥٠﴾ أُولَٰئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ حَقًّا وَأَعْتَدْنَا

لِلْكَافِرِينَ عَذَابًا مُّهِينًا ﴿١٥١﴾

– „Албатта, Аллоҳ ва Пайғамбарига ишонмайдиган, Аллоҳ билан пайғамбарларининг орасини ажратишни истайдиган (яъни, Аллоҳга ишониб, пайғамбарларини инкор қиладиган) ва «айрим пайғамбарларга ишонамиз, айримларига ишонмаймиз», дейдиган ҳамда ора йўлни тутишни истайдиган кимсалар - ана ўшалар ҳақиқий кофирдирлар. Бундай кофирлар учун хор қилгувчи азобни тайёрлаб қўйганмиз.. [4:150-151]

لَمْ يَكُنِ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ وَالْمُشْرِكِينَ مُنْفَكِينَ حَتَّىٰ تَأْتِيَهُمُ الْبَيِّنَةُ ﴿١﴾ رَسُولٌ مِنَ اللَّهِ يَتْلُو صُحُفًا مُّطَهَّرَةً ﴿٢﴾

– „Аҳли китобдан ва мушриклардан бўлган кофир кимсалар то уларга очиқ ҳужжат келгунича (куфрдан) ажрагувчи бўлмадилар. (У очиқ ҳужжат) Аллоҳ томонидан (юборилган) бир пайғамбар (яъни Муҳаммад ﷺ) покиза саҳифаларни (яъни Қуръонни) тиловат қилур“ [98:1-2]

قُلْ يَا أَهْلَ الْكِتَابِ لَمْ يَكْفُرُوا بِاللَّهِ وَاللَّهُ شَهِيدٌ عَلَىٰ مَا تَعْمَلُونَ ﴿٩٨﴾

– „(Эй Муҳаммад), айтинг: «Эй аҳли китоб, нима учун Аллоҳнинг оятларини инкор қилмоқдасиз? Ахир Аллоҳ қилаётган амалларингизга гувоҳ-ку!»“ [3:98]

مَا يَؤُدُّ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ وَلَا الْمُشْرِكِينَ أَنْ يُنَزَّلَ عَلَيْكُمْ مِنْ خَيْرٍ مِنْ رَبِّكُمْ وَاللَّهُ يَخْتَصُّ بِرَحْمَتِهِ مَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ ذُو الْفَضْلِ الْعَظِيمِ ﴿١٥﴾

– „На аҳли китоблар (яҳудий ва насронийлар)дан бўлган кофирлар ва на мушриклар сизга Парвардигорингиз тарафидан бир яхшилик (яъни, ваҳий) тушишини истайдилар. Аллоҳ эса раҳмат-марҳаматини Ўзи хоҳлаган кишиларга хос қилиб беради. Аллоҳ буюк фазлу қарам соҳибидир“, [2:105]

يَا أَهْلَ الْكِتَابِ لِمَ تَكْفُرُونَ بِآيَاتِ اللَّهِ وَأَنْتُمْ تَشْهَدُونَ ﴿٧﴾

– „Эй аҳли китоб, нима учун ўзларингиз гувоҳ бўла туриб, Аллоҳнинг (Тавротдаги Муҳаммаднинг ҳақ пайғамбар эканлиги ҳақидаги) оятларини инкор қиласиз?!“ [3:70]

وَبِكْفَرِهِمْ وَقَوْلِهِمْ عَلَىٰ مَرْيَمَ بُهْتَانًا عَظِيمًا ﴿١٥٦﴾

– „Кофирликлари ва Марям хусусида улуг бўхтон қилганликлари сабабли...“, [4:156]

لَقَدْ كَفَرَ الَّذِينَ قَالُوا إِنَّ اللَّهَ ثَلَاثُ ثَلَاثَةٍ

– „Аллоҳ - Учтанинг (яъни Аллоҳ, Марям ва Ийсонинг) биридир“, деган кимсалар ҳам аниқ кофир бўлдилар“, [5:73]

قَاتِلُوا الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَلَا بِالْيَوْمِ الْآخِرِ وَلَا يُحَرِّمُونَ مَا حَرَّمَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَلَا يَدِينُونَ دِينَ الْحَقِّ مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ حَتَّى يُعْطُوا الْجِزْيَةَ عَنْ يَدٍ وَهُمْ صَاغِرُونَ ﴿٢٦﴾

– „Аллоҳга ва охират қунига ишонмайдиган, Аллоҳ ва Унинг пайғамбари ҳаром деган нарсани ҳаром деб билмайдиган, Ҳақ (яъни Ислому) динига эътиқод қилмайдиган аҳли китоблардан иборат бўлган кимсаларга қарши то улар хорланган (мағлуб) ҳолларида ўз қўллари билан (зиммаларидаги) солиқни тўламагунларича, жанг қилингиз!“ [9:29]

هُوَ الَّذِي أَخْرَجَ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ دِيَارِهِمْ لِأَوَّلِ الْحَشْرِ

– „У аҳли китоблардан (яҳудийлардан) кофир бўлган кимсаларни биринчи тўплашдаёқ ўз диёрларидан ҳайдаб чиқарган зотдир“. [59:2]

Демак, улар мусулмон эмас, кофирлардир. Уларни мусулмон дейишимиз жоиз эмас. Чунки Ислому сўзининг луғавий маъноси бўйсунуш бўлса, унинг шаръий мазмуни Аллоҳ Субҳонаҳу Муҳаммад ﷺ га нозил қилган диндир. Исломининг луғавий маъносини собиқ пайғамбар ﷺ ларга ҳамда Муҳаммад ﷺ пайғамбар қилиб юборилиб, улар ўз китобларини ўзгартиришларидан илгари у зотларга иймон

келтириб, издош бўлганларга нисбатан ишлатиш жоиз бўлса-да, Муҳаммад ﷺ пайғамбар қилиб юборилганларидан кейин бундай ишлатиш жоиз эмас. Демак, кимки ул зотга ва уларнинг рисолатларига иймон келтирмаса кофир бўлади, ундай кимсани мусулмон ҳам, мўмин ҳам деб аташ мумкин эмас. Аллоҳ Таоло айтади:

وَقُلْ لِلَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ وَالْأُمِّيِّينَ أَاسَلَّمْتُمْ فَإِنِ اسَلَّمُوا فَقَدْ اهْتَدَوْا وَإِن تَوَلَّوْا فَإِنَّمَا عَلَيْكَ الْبَلَاغُ وَاللَّهُ بَصِيرٌ بِالْعِبَادِ



– „Сўнг аҳли китоблар ва омиё-бутпарастлардан: «Исломга кирдингизми?» - деб сўранг! Агар Исломга кирсалар, муҳаққақ тўғри йўлни топибдилар. Энди агар юз ўгирсалар, у ҳолда сизнинг зиммангиздаги нарса фақатгина етказишдир“.

[3:20]

Расулulloҳ ﷺ дедилар: **«Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган зотга қасамки, бу қавмдан ким бўлмасин - яҳудийми, насронийми - мени эшитиб, сўнгра менинг рисолатимга иймон келтирмаган ҳолда ўлса, дўзах аҳлидан булади»**. Ибн Ҳиббон Анас رضي الله عنهдан ривоят қилиб келтиради, Қайсар Расулulloҳ صلى الله عليه وسلمга: «Мен мусулмонман», деб мактуб йўллади, Расулulloҳ мактубни ўқиғач: **«Аллоҳнинг душмани ёлгон гапирибди. У мусулмон эмас, насронийдир»**, дедилар.

Араб давлатлари лигасининг бош котиби Амр Мусо бирор афзал ҳазорат борлигига ишонмаслигини очиқ айтди. Унинг гапининг мазмунидан Исломиё ҳазорат ҳам капиталистик, ҳинду ёки яҳудий ҳазоратларидан афзал эмаслиги кўриниб турибди. У Италия бош вазири Берлусконига раддия бера туриб: «Биз бу ерда бирор афзал ҳазорат борлигига ишонмаймиз», деди. Уларнинг яна бири ўзга ҳазоратларни қандай келган бўлса шундайлигича, бирор қайд ёки шартсиз ёки уларга қарши ҳукм чиқаришга интилмай қабул қилишга «Каҳф» сурасидаги оятларни далил қилишга уриниб, шундай дейди: «Динлар орасидаги суҳбат турли қиймат, анъаналар, фикр ва аввалги ақидаларга тобе шахс ўзга динларнинг хусусиятларини қандай бўлса шундайлигича аниқлашга уриниши, уни идрок этиши ва унга қадр-қиймат жиҳатидан қарши ҳукм чиқаришга бормай туриб, унга нисбатан умумий фалсафий фикрни тиниқлаштириб олишидир... Динлар орасидаги суҳбат тарафдорлари мақсад самимийлигини шиор қилиб кўтармоқда, бу эса бошқаларни идрок қилишга рағбатдан ва уларни маърифий жиҳатдан ўрганишдан ўзга шарт ва гоёлардан воз кечишни талаб қилади... Суҳбатнинг мазмуни, умуман олганда, Қуръони Каримдаги «Каҳф» сурасининг 32-42 оятлари икки киши ўртасида юз берган суҳбат борасида келтирган қиссага зид келмайди.

Уларнинг бирига Аллоҳ хурмо дарахти билан ўралган, ўртасида экинзорлари бор, унда анҳорлар оқиб турадиган иккита узум боғини ато қилган бўлиб, унга шеригига нисбатан мол-давлат ва бола-чақани ҳам ошиғи билан берган эди. Қисса икки киши ўртасида бўлиб ўтган суҳбат бирор шарт ва чекловсиз юз берганини очиб бериб, Қуръони Карим унинг тафсилотларини тўлиқ келтирган. Қисса улардан бирининг Аллоҳга кофирлигини зикр қилган бўлса-да, иккинчиси шу сабабли суҳбатни бузгани йўқ. Шунингдек, Қуръон куфр сўзларини зикр қилишдан малоллик сезгани йўқ, зеро уларнинг барчаси Аллоҳ Азза ва Жаллага кофир бўлган шахснинг шакли ва аслини аниқ кўрсатади... Динлар орасидаги суҳбат динларни солиштиришдан ва диний рақобатдан, гарчи бу тушунчалар адабиётларда аралашиб кетган бўлса ҳам, фарқ қилади. Динларни солиштириш бир фандир, ундан мақсад бир динни бошқаси билан ақида, шариат ва ибодатлар даражасида ва уларнинг инсон, коинот ва ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари ва ҳоказолар борасида ҳолисона, тарафкашлик қилмай чамалашга уриниб, солиштириб ўрганишдир. Динлараро рақобат эса бир диннинг бошқаси устидан юксаклиги ва устунлигини исботлашга интиладиган амалиётдир. Фақат идрокий жараёндан иборат бўлган динлар орасидаги суҳбат эса, табиийки, бунга интилмайди» (Ҳисом Таммом, Мисрлик тадқиқотчи-журналист, «Динлараро суҳбат: ижтимоий заруратми ёки умумжаҳон фитнами?», **IslamOnline.net**)

Динлараро суҳбат фикрати тарафдорларининг ушбу таъбирдан кўзлаган мақсадини билиш учун юқоридаги кўчирмалар зарурдир, негаки бу уларнинг истилоҳлари бўлиб, улар кўзда тутган маъноларнинг энг яхши далили улар ўз оғизлари билан гапирганлари ёки қаламлари билан ёзганларидир, зеро бу ерда луғавий мазмуннинг фойдаси йўқ. Ушбу кўчирмалар мажмуидан келиб чиқиб, бу истилоҳнинг мазмуни қуйидагилардан иборатлигини аниқлашимиз мумкин:

Биринчиси: динлар ва ҳазоратлар ўртасидаги тенглик, бир дин ёки ҳазоратни бошқа дин ёки ҳазоратдан устун қўймаслик;

Иккинчиси: бошқа дин ва ҳазоратларни қандай келган бўлса, шундай қабул қилишлик, уларга қарши ҳукм чиқармаслик, ҳеч бир шарт ёки чеклов қўймасдан туриб, уларни тадқиқ қилиш ва ўрганиш;

Учинчиси: ҳазорталар ўртасидаги суҳбатдан мақсад муштарак ва инсонпарвар нарса излаш орқали ҳазоратлар юксалиши ва гуллаб-яшнашига ҳамда тинчликни кафолатловчи юксак муқобил ҳазорат пайдо қилиш учун ўзаро алоқа ўрнатишдир. Динлараро суҳбатдан мақсад эса Ислом кураш майдонига кириб боришига тўсиқ қўйишдир.

Бу тушунчаларнинг барчаси Исломга мутлақо зид бўлиб, улар ҳатто шубҳали бўлса ҳам бирон бир далилга эга эмас. Улар Исломдан эмас. Аксинча, уларнинг суюлтириш ва адаштиришдан ўзга нарса эмаслиги ҳамда Исломга хатарли эканлиги аниқдир.

## ҲАЗОРАТЛАР ОРАСИДАГИ ТЕНГЛИК ФИКРАТИ

Динлар ва ҳазоратлар орасидаги тенглик тушунчаси куфр тушунчасидир, негаки у ҳақ билан ботил, куфр билан иймон, залолат билан ҳидоят, носих билан мансух, асли ваҳий бўлган ҳазорий тушунчалар билан инсон тарафидан ишлаб чиқилган ҳазорий тушунчалар, яъни ақл билан нақл, тоғутга ҳукм сўраб бориш билан Китоб ва суннат ҳамда бу иккиси йўл кўрсатган нарсадан ҳукм сўраш, одамларга фойдаси тегиб, ерда мустаҳкам ўрнашувчи собит барқарорлик билан йўқ бўлиб кетадиган кўпик ўртасини тенглаштиришга бўлган чақириқдир. Бунинг далиллари жуда кўпдир. Аллоҳ Таоло айтади:

بَلْ نَقْذِفُ بِالْحَقِّ عَلَى الْبَاطِلِ فَيَدْمَغُهُ فَإِذَا هُوَ زَاهِقٌ

– „Йўқ, Биз Ҳақ-Қуръонни ботил-жаҳолатнинг устига отурмиз, бас, (ҳақиқат ботилни) эзиб-янчиб, баногоҳ ботил йўқ бўлур“, [21:18]

فَمَاذَا بَعْدَ الْحَقِّ إِلَّا الضَّلَالُ

– „Ҳақиқатдан кейин эса фақат йўлдан озиш бор, холос“, [10:32]

يُرِيدُونَ أَن يُتَحَاكَمُوا إِلَى الطَّاغُوتِ وَقَدْ أُمِرُوا أَن يَكْفُرُوا بِهِ وَيُرِيدُ الشَّيْطَانُ أَن يُضِلَّهُمْ

ضَلَالًا بَعِيدًا ﴿٦﴾

– „(Айрим) кимсалар тоғутга ҳукм сўраб боришни истайдилар. Ҳолбуки уларга унга ишонмаслик буюрилган эди. (Чунки) шайтон уларни бутунлай йўлдан оздиришни истайди“, [4:60]

هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظْهِرَهُ عَلَى الدِّينِ كُلِّهِ وَلَوْ كَرِهَ الْمُشْرِكُونَ ﴿٣٣﴾

– „У (Аллоҳ) ўз пайғамбарини ҳидоят ва ҳақ дин билан - гарчи мушриклар хоҳламасалар-да - барча динларга ғолиб қилиш учун юборган зотдир“, [9:33]

وَمَنْ يَتَّبِعْ غَيْرَ الْإِسْلَامِ دِينًا فَلَنْ يُقْبَلَ مِنْهُ وَهُوَ فِي الْآخِرَةِ مِنَ الْخَاسِرِينَ ﴿٨٥﴾

– „Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг «дини» Аллоҳ ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиён кўргувчилардандир“, [3:85]

وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ مُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ الْكِتَابِ وَمُهَيْمِنًا عَلَيْهِ

– „Сизга эса (эй Муҳаммад), ўзидан олдинги китоб(ларни) тасдиқлагувчи ва улар устида гувоҳ бўлган бу Китобни ҳаққи рост нозил қилдик“, [5:48]

كَذَلِكَ يَضْرِبُ اللَّهُ الْحَقَّ وَالْبَاطِلَ فَأَمَّا الزَّبَدُ فَيَذْهَبُ جُفَاءً وَأَمَّا مَا يَنْفَعُ النَّاسَ فَيَمْكُتُ فِي الْأَرْضِ كَذَلِكَ يَضْرِبُ اللَّهُ الْأَمْثَالَ ﴿١٧﴾

– „Аллоҳ ҳақ билан ботилни мана шундай (мисол билан) баён қилур. Энди у кўпик-чиқинди ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетур. Одамларга фойдали бўлган нарса эса ер юзида қолур. Аллоҳ мисолларни мана шундай баён қилур“, [13:17]

﴿١٨﴾ أَفَمَنْ كَانَ مُؤْمِنًا كَمَنْ كَانَ فَاسِقًا لَا يَسْتَوُونَ

– „Ахир мўмин бўлган киши билан фосиқ-итоатсиз бўлган кимса тенг бўлурми?!“ [32:18]

قُلْ لَا يَسْتَوِي الْخَبِيثُ وَالطَّيِّبُ وَلَوْ أَعْجَبَكَ كَثْرَةُ الْخَبِيثِ فَاتَّقُوا اللَّهَ يَا أُولِي الْأَلْبَابِ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿١٩﴾

– „(Эй Муҳаммад), айтинг: «Гарчи нопок нарсанинг кўплиги сизни қизиқтирса ҳам, нопок нарса пок нарсага баробар бўлмас». Бас, эй аҳли дониш, нажот топишингиз учун Аллоҳдан қўрқингиз!“ [5:100]

﴿٢٤﴾ مَثَلُ الْفَرِيقَيْنِ كَالْأَعْمَى وَالْأَصْمَى وَالْبَصِيرِ وَالسَّمِيعِ هَلْ يَسْتَوِيَانِ مَثَلًا أَفَلَا تَذَكَّرُونَ

– „Бу икки гуруҳ (яъни кофирлар ва мўминлар)нинг мисоли худди кўру кар билан кўргувчи ва эшитгувчининг мисолидир. Шу иккаласи бир-бирига баробар бўлурми?! Ибрат олмайсизларми?“ [11:24]

وَدُّوا لَوْ تُكْفُرُونَ كَمَا كَفَرُوا فَتَكُونُونَ سَوَاءً

– „Улар ўзлари кофир бўлганлари каби сизлар ҳам кофир бўлиб, улар билан баробар бўлиб қолишингизни истайдилар“. [4:89]

Исломни даъво қилиб, сўнгра у билан куфр ўртасини; худосизлик, учлик ва тавҳид ўртасини; Муҳаммад ﷺнинг пайғамбарликларини инкор қилувчи билан ул зотга иймон келтирувчини; рибони ҳаром эмас мубоҳ, хамрни ҳаром эмас ҳалол дейдиган; Аллоҳ Субҳонахуга ибодат қилиш билан махлуқотларга сиғинишни; фоҳишалик, гомосексуализм ва ливота билан никоҳни; чўчқа билан хурмо ўртасини тенглаштирадиганлардан ажабланади киши. Бундан ҳам ажабланарлиси эса афзаллик тўғрисида сукут сақлаб, тавҳидни ширкдан, ҳалолни ҳаромдан, шариатни тоғутдан, мўминни кофирдан,

илоҳий ваҳийни башарий қонундан, Исломни ўзга динлардан, Қуръонни нотўғри талқин қилинган китоблардан, Холиққа ибодат қилишни эса қуёш, сигир ва юлдузларга сиғинишдан афзал деб билмайдиган кимсалардир. Аллоҳ фитнадан сақласин. Қарамлик ҳам, тенглик ҳам, Ислом ва унинг ҳазоратини ўзга дин ва ҳазоратлардан афзал дейишдан сукут сақлаш ҳам улоқтирилиши лозим бўлган нарсалардандир.

## БОШҚА ДИН ВА ҲАЗОРАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ФИКРАТИ

Ўзга дин ва ҳазоратларга қарши ҳукм чиқармасдан ва уларнинг даъвосини бекор қилмасдан, уларни фақат ўрганиш учун қабул қилиш Ислом тариқатидан эмас. Билъакс, Қуръон бунинг айна тескарисини таълим беради. Негаки Қуръони Карим куфр фикрлари ва кофирларнинг сўзларини зикр қилар экан, кетидан доимо уларни бекор қилувчи ҳақни келтиради. Бунга қўйидагилар мисол бўлади:

وَقَالُوا اتَّخَذَ الرَّحْمَنُ وَلَدًا ﴿٨٨﴾ لَقَدْ جِئْتُمْ شَيْئًا إِدًّا ﴿٨٩﴾ تَكَادُ السَّمَاوَاتُ يَتَفَطَّرْنَ مِنْهُ وَتَنْشَقُّ  
الْأَرْضُ وَتَخِرُّ الْجِبَالُ هَدًّا ﴿٩٠﴾ أَنْ دَعَوْا لِلرَّحْمَنِ وَلَدًا ﴿٩١﴾ وَمَا يَنْبَغِي لِلرَّحْمَنِ أَنْ يَتَّخِذَ  
وَلَدًا ﴿٩٢﴾

– „Мушриклар: «Раҳмоннинг боласи бор», дедилар. (Эй мушриклар), сизлар шундай оғир гап айтдингизки, унинг (оғирлигидан) - Раҳмоннинг боласи бор, деган (гапнинг оғирлигидан) осмонлар ёрилиб, ер бўлиниб, тоғлар парчаланиб қулаб кетишга яқин бўлур. Раҳмон учун бола тутиш лойиқ эмасдир (яъни У зот болага муҳтож эмас)“, [19:88-92]

وَيَقُولُونَ مَتَى هَذَا الْوَعْدُ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿٣٨﴾ لَوْ يَعْلَمُ الَّذِينَ كَفَرُوا حِينَ لَا يَكْفُونُ عَنْ  
وُجُوهِهِمُ النَّارَ وَلَا عَنْ ظُهُورِهِمْ وَلَا هُمْ يُنصَرُونَ ﴿٣٩﴾ بَلْ تَأْتِيهِمْ بَعْتَةٌ فَيَقْتُلُوهُمْ فَلَا  
يَسْتَيْطِعُونَ رَدَّهَا وَلَا هُمْ يُنظَرُونَ ﴿٤٠﴾

– „Улар (яъни динсиз кимсалар): «Агар ростгўй бўлсангиз (айтинглар-чи), мана шу ваъда қачон бўлади?» - дерлар. Агар кофир бўлган кимсалар на олдиларидан ва на ортларидан (дўзах) ўтини тўса олмай қоладиган, уларга ёрдам берилмайдиган вақтни (қиёмат кунигаги даҳшатларни) билсалар эди, (бу сўзларни айтмаган бўлур эдилар). Йўқ, (қиёмат) тўсатдан келиб, уларни хайрону хаста қилиб

қўюр, бас уни қайтаришга кучлари ҳам етмас, уларга (тавба-тазарру учун) муҳлат ҳам берилмас“, [21:38-40]

وَإِذْ قُلْتُمْ يَا مُوسَىٰ لَنْ نُؤْمِنَ لَكَ حَتَّىٰ نَرَىٰ اللَّهَ جَهْرَةً فَأَخَذَتْكُمُ الصَّاعِقَةُ وَأَنْتُمْ تَنْظُرُونَ ﴿٥٥﴾

– „(Эй бани Исроил, эсланг): «Эй Мусо, Аллоҳни очиқ-равшан кўрмагунимизча ҳаргиз сенга ишонмаймиз», дейишингиз билан қараб турган ҳолингизда сизларни чақмоқ урди“, [2:55]

وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ آمِنُوا بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ قَالُوا تَوْفِينَا يَا رَبَّنَا بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ عَلَيْنَا وَنَكْفُرُونَ بِمَا وَرَاءَهُ وَهُوَ الْحَقُّ

مُصَدِّقًا لِمَا مَعَهُمْ قُلْ فَلِمَ تَقْتُلُونَ أَنْبِيَاءَ اللَّهِ مِنْ قَبْلُ إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ ﴿٩١﴾

– „Қачон уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага иймон келтиринг», дейилса, «Биз ўзимизга нозил қилинган нарсага иймон келтирамиз», дейдилар. Ва ундан кейин келган ўзларидаги нарса (Таврот)ни тасдиқ этувчи ҳақ (китоб)га кофир бўладилар. Айтинг, (эй Муҳаммад): «Агар мўмин бўлган бўлсангизлар, нима сабабли илгари Аллоҳнинг пайғамбарларини ўлдирар эдингизлар?»“ [2:91]

وَقَالُوا لَنْ يَدْخُلَ الْجَنَّةَ إِلَّا مَنْ كَانَ هُودًا أَوْ نَصَارَىٰ تِلْكَ أَمَانِيُّهُمْ قُلْ هَاتُوا بُرْهَانَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ

صَادِقِينَ ﴿١١١﴾ بَلَىٰ مَنْ أَسْلَمَ وَجْهَهُ لِلَّهِ وَهُوَ مُحْسِنٌ فَلَهُ أَجْرُهُ عِنْدَ رَبِّهِ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا

هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿١١٢﴾

– „Жаннатга фақат яҳудий ёки насроний бўлганлар киради» - дейишди. (Яъни яҳудийлар: «Биз кирамиз» - дейишса, насронийлар: «Биз кирамиз» - дейишди). Бу уларнинг хом хаёлларидир. Айтинг, (эй Муҳаммад): «Агар ростгўй бўлсангиз, ҳужжат келтиринг!». Йўқ, ким яхшилиқ қилган ҳолида ўзини Аллоҳга топширса, унинг учун Аллоҳ ҳузурида ажр бор ва улар учун хавфу хатар йўқ ва улар гамгин бўлмайдилар“, [2:111-112]

وَقَالُوا اتَّخَذَ اللَّهُ وَلَدًا سُبْحَانَهُ بَلْ لَمْ يَكُن لَّهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ كُلُّ لَّهُ قَانِتُونَ ﴿١١٦﴾

– „Аллоҳнинг боласи бор», дедилар. У зот буларнинг бадгумонидан мутлақо покдир. Балки ер ва осмонлардаги нарсалар У зотга тегишлидирки, ҳаммаси Унга бўйинсунади“, [2:116]

وَقَالُوا كُونُوا هُودًا أَوْ نَصَارَىٰ تَهْتَدُوا قُلْ بَلْ مِلَّةَ إِبْرَاهِيمَ حَنِيفًا وَمَا كَانَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ ﴿١٣٥﴾

– „Яҳудий ёки насроний бўлинг, ҳидоят топасиз», дедилар. Айтинг, (эй Муҳаммад): «Балки биз ҳақ йўлдан тойилмаган, мушриклардан бўлмаган Иброҳим динига эргашамиз»“, [2:135]

أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِي حَاجَّ إِبْرَاهِيمَ فِي رَبِّهِ أَنْ آتَاهُ اللَّهُ الْمُلْكَ إِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ رَبِّيَ الَّذِي يُحْيِي وَيُمِيتُ قَالَ أَنَا أَحْيِي وَأُمِيتُ قَالَ إِبْرَاهِيمُ فَإِنَّ اللَّهَ يَأْتِي بِالسَّمْسِ مِنَ الْمَشْرِقِ فَأْتِ بِهَا مِنَ الْمَغْرِبِ فَبُهِتَ الَّذِي كَفَرَ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ ﴿٢٥٨﴾

– „Аллоҳ подшоҳлик берганидан ҳовлиқиб Иброҳим билан Парвардигори ҳақида талашган кимса (Намруд)нинг ҳоли-хабарини билмадингизми? Қайсики Иброҳим: «Парвардигорим тирилтириб, ўлдирадиган зотдир» - деганида, у: «Мен (ҳам) тирилтираман ва ўлдираман», деди. Иброҳим айтди: «Албатта Аллоҳ қуёшни машриқдан чиқаради. Сен уни мағрибдан чиқаргин-чи?» Шунда бу инкор қилувчи довдираб қолди. Аллоҳ зolim кимсаларни ҳидоят қилмайди“, [2:258]

الَّذِينَ قَالُوا لِإِخْوَانِهِمْ وَقَعَدُوا لَوْ أَطَاعُونَا مَا قَتَلُوا قُلُوبًا فَادْرَعُوا عَنْ أَنْفُسِكُمُ الْمَوْتَ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿٢٦٨﴾

– „(Эй Мухаммад), ўша ўзлари ўтириб олиб, дўстлари ҳақида: «Агар бизнинг гапимизга кириб (жанг қилишдан бош тортганларида) ўлдирилмаган бўлар эдилар», дейдиган кимсаларга: «Агар айтган гапларингиз рост бўлса, ўзларингиздан ўлимни даф қилинглар-чи», деб айтинг!“ [3:168]

الَّذِينَ قَالُوا إِنَّ اللَّهَ عٰهَدَ إِلَيْنَا آلا نُؤْمِنَ لِرَسُولٍ حَتَّىٰ يَأْتِنَا بِقُرْبَانٍ تَأْكُلُهُ النَّارُ قُلْ قَدْ جَاءَكُمْ رَسُولٌ مِنْ قَبْلِي بِالْبَيِّنَاتِ وَبِالَّذِي قُلْتُمْ فَلِمَ قَتَلْتُمُوهُمْ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿١٧٢﴾

– „У кимсалар: «Албатта Аллоҳ бизга бирон пайғамбар то бир қурбонлик атаб, уни (осмондан тушган) олов еб (яъни ёндириб) кетмагунча унга иймон келтирмаслигимизни буюрган», дедилар. Айтинг, (эй Мухаммад): «Мухаққақки, мендан илгари сизларга кўп пайғамбарлар очиқ ҳужжатлар ва сизлар айтган нарсани (яъни қурбонликларни) келтирганлар. Бас, агар шу гапларингиз рост бўлса, нима учун уларни ўлдирган эдингизлар?!“ [3:183]

وَقَالَتِ الْيَهُودُ يَدُ اللَّهِ مَغْلُولَةٌ غُلَّتْ أَيْدِيهِمْ وَلُعِنُوا بِمَا قَالُوا بَلْ يَدَاهُ مَبْسُوطَتَانِ يُنفِقُ كَيْفَ يَشَاءُ ﴿٦٤﴾

– „Яҳудийлар: «Аллоҳнинг қўли боғлиқ (яъни, У бахил)», дедилар. Ўзларининг қўллари боғланиб қолгай ва айтган гаплари билан лаънатга учрагайлар. Йўқ, У зотнинг қўллари очиқдир ва У Ўзи истагандек инфоқ-эҳсон қилур“, [5:64]

سَيَقُولُ الَّذِينَ أَشْرَكُوا لَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَشْرَكْنَا وَلَا آبَاؤُنَا وَلَا حَرَمْنَا مِنْ شَيْءٍ كَذَلِكَ كَذَّبَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ حَتَّىٰ ذَاقُوا بَأْسَنَا قُلْ هَلْ عِنْدَكُمْ مِنْ عِلْمٍ فَتُخْرِجُوهُ لَنَا إِنْ تَتَّبِعُونَ إِلَّا الظَّنَّ وَإِنْ أَنْتُمْ إِلَّا تَخْرُصُونَ ﴿١٤٨﴾

– „Ҳали мушрик бўлган кимсалар: «Агар Аллоҳ хоҳлаганида биз ҳам, ота-боболаримиз ҳам на мушрик бўлган ва на бирон нарсани ҳаром қилиб олган бўлур эдик», дейдилар. Улардан аввалгилари ҳам то азобимизни тотгунларича (ўз пайғамбарларини) мана шундай ёлгончи қилганлар. Айтинг, (эй Муҳаммад): «Ҳузурингизда бизга кўрсатадиган (айтаётган сўзларингизни тасдиқловчи) бирон ҳужжатингиз борми? Сизлар фақат гумонга эргашмоқдасиз, сизлар фақат ёлгон сўзламоқдасиз!»“ [6:148]

وَقَالَتِ الْيَهُودُ عُزَيْرٌ ابْنُ اللَّهِ وَقَالَتِ النَّصَارَى الْمَسِيحُ ابْنُ اللَّهِ ذَلِكَ قَوْلُهُمْ بِأَفْوَاهِهِمْ يُضَاهِئُونَ قَوْلَ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ قَبْلُ قَاتَلَهُمُ اللَّهُ أَتَىٰ يَؤُفَكُونَ ﴿١٤٩﴾ اتَّخَذُوا أَحْبَابَهُمْ وَرُهْبَانَهُمْ أَرْبَابًا مِنْ دُونِ اللَّهِ وَالْمَسِيحَ ابْنَ مَرْيَمَ وَمَا أُمِرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا إِلَهًا وَاحِدًا لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ سُبْحَانَهُ عَمَّا يُشْرِكُونَ ﴿١٥٠﴾

– „Яҳудийлар: «Узайр Аллоҳнинг ўғли», дедилар. Насронийлар: «(Ийсо) Масийх Аллоҳнинг ўғли», дедилар. Бу уларнинг оғизларидаги (ҳужжат-далилсиз) гапларидир. Уларнинг бу гаплари худди аввалги кофир бўлган кимсаларнинг гапига ўхшайди. Уларни Аллоҳ лаънатлагай! Қандай адашмоқдалар-а! Улар Аллоҳни қўйиб, ўзларининг донишмандларини ва роҳибларини ҳамда Масийх бинни Марямни Парвардигор деб билдилар. Ҳолбуки, фақат ягона Аллоҳга бандалик қилишга маъмур (буюрилган) эдилар. Ҳеч илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир. У зот уларнинг ширкларидан покдир“, [9:30-31]

وَإِذَا تُتْلَىٰ عَلَيْهِمْ آيَاتُنَا بَيِّنَاتٍ قَالَ الَّذِينَ لَا يَرْجُونَ لِقَاءَنَا آتِ بِقرآنٍ غَيْرِ هَذَا أَوْ بَدِّلْهُ قُلْ مَا يَكُونُ لِي أَنْ أُبَدِّلَهُ مِنْ تَلْقَاءِ نَفْسِي إِنْ أَتَّبِعُ إِلَّا مَا يُوحَىٰ إِلَيَّ إِنِّي أَخَافُ إِنْ عَصَيْتُ رَبِّي عَذَابَ يَوْمٍ عَظِيمٍ ﴿١٥١﴾ قُلْ لَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا تَلَوْتُهُ عَلَيْكُمْ وَلَا أَدْرَاكُمْ بِهِ فَقَدْ لَبِثْتُ فِيكُمْ عُمُرًا مِنْ قَبْلِهِ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿١٥٢﴾

– „Қачон уларга (уларнинг олдида) Бизнинг очиқ-равшан оятларимиз тиловат қилинса, Бизга рўбарў бўлишни умид қилмайдиган кимсалар: «Бу Қуръондан бошқа бир Қуръон келтиргин ёки буни ўзгартиргин», дедилар. Айтинг: «Мен учун уни ўз

томонидан ўзгартириш дуруст эмасдир. Мен фақат ўзимга ваҳий қилинган оятларгагина эргашурман. Чунки мен агар Парвардигоримга исён қилсам, улуғ Кун (қиёмат)нинг азобидан қўрқурман». Айтинг: «Агар Аллоҳ хоҳлаганида, мен у (Қуръон)ни тиловат қилмаган бўлур эдим ва (мен орқали Аллоҳ) сизларга билдирмаган бўлур эди. Ахир ундан (Қуръон нозил бўлишидан) илгари ҳам бир умр сизларнинг орангизда яшаб турдим-ку! Ахир ақл юргизмайсизларми?» [10:15-16]

وَقَالُوا مَا هِيَ إِلَّا حَيَاتُنَا الدُّنْيَا نَمُوتُ وَنَحْيَا وَمَا يُهْلِكُنَا إِلَّا الدَّهْرُ وَمَا لَهُم بِذَلِكَ مِنْ عِلْمٍ إِنْ هُمْ إِلَّا يَظُنُّونَ ﴿١٥﴾ وَإِذَا تُتْلَىٰ عَلَيْهِمْ آيَاتُنَا بَيِّنَاتٌ مَّا كَانَ حُجَّتَهُمْ إِلَّا أَنْ قَالُوا اتَّبَوْنَا أَبَاتِنَا إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿١٦﴾ قُلِ اللَّهُ يُحْيِيكُمْ ثُمَّ يُمِيتُكُمْ ثُمَّ يَجْمَعُكُمْ إِلَىٰ يَوْمِ الْقِيَامَةِ لَا رَيْبَ فِيهِ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿١٧﴾

– „Улар (яъни қиёматни инкор қилгувчилар: «Ҳаёт) фақат дунёдаги ҳаётимиздир. Баъзиларимиз ўлиб, (бошқаларимиз) ҳаётга келаверамиз ва бизларни (Аллоҳ ўлдирмайди, балки фақат) замон (ўтиши)гина ўлдирди», дедилар. Ҳолбуки улар учун бу тўғрида бирон билим-ҳужжат йўқдир. Улар фақат (шундай) гумон қилурлар, холос. Қачон уларга (қайта тирилиш ҳақлиги тўғрисидаги) Бизнинг аниқ-равшан бўлган оятларимиз тиловат қилинса, уларнинг (бу оятларга қарши) «ҳужжатлари» фақат: «Агар ростгўй бўлсангизлар, ота-боболаримизни (тирилтириб) келтиринглар-чи», дейишларигина бўлур. Айтинг: «Аллоҳ сизларга ҳаёт берур, сўнгра (ажалларингиз етгач) ўлдирур, сўнгра сизларни ҳеч шак-шубҳасиз (келадиган) Қиёмат кунига тўплар. Лекин одамларнинг кўплари (буни) билмаслар» [45:24-26]

Бу оятлар гарчи биздан олдингиларнинг шариатидан бўлса-да, бироқ Аллоҳ Субҳонаҳунинг «билмадингизми» сўзи билан бошланган. Демак, у бизга қилинган хитобдир.

Уларнинг бири далил қилиб келтирган «Каҳф» сурасининг оятлари ҳам шу услубдан, яъни куфр тушунчаси ёки тушунчаларини чиппакака чиқариш услубидан четга чиқмайди. Суҳбат улар айтаётгандек фақат англаб-тушуниб қўйишнинг ўзи эмас, балки англаб-тушуниб, куфр тушунчалари нотўғрилигини исботлашдир. Бу эса биродари шеригининг куфрига раддия бериб, инкор қилиб айтаётган гапларида кўриниб турибди:

أَكْفَرْتَ بِالَّذِي خَلَقَكَ مِنْ تُرَابٍ ثُمَّ مِنْ نُطْفَةٍ ثُمَّ سَوَّكَ رَجُلًا ﴿٢٧﴾ لَكِنَّا هُوَ اللَّهُ رَبِّي وَلَا أُشْرِكُ بِرَبِّي أَحَدًا ﴿٢٨﴾ وَلَوْلَا إِذْ دَخَلْتَ جَنَّتَكَ قُلْتَ مَا شَاءَ اللَّهُ لَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ إِنْ تَرَنِ أَنَا

أَقْلَ مِنْكَ مَالًا وَوَلَدًا ﴿١٨﴾ فَعَسَى رَبِّي أَنْ يُؤْتِيَنِي خَيْرًا مِنْ حَتَّتِكَ وَيُرْسِلَ عَلَيْهَا حُسْبَانًا مِنَ السَّمَاءِ فَتُصْبِحُ صَعِيدًا زَلَقًا ﴿١٩﴾ أَوْ يُصْبِحَ مَاؤُهَا غَوْرًا فَلَنْ تَسْتَطِيعَ لَهُ طَلَبًا ﴿٢٠﴾

– „Сен ўзингни (асли-наслинг бўлмиш Одамни) тупроқдан, сўнг нутфа - бир томчи сувдан яратиб, сўнгра (уни) инсон қилиб ростлаган зот - Аллоҳга кофир бўлдингми?! Мен эса: «У Аллоҳ - Парвардигоримдир», (дейман) ва Парвардигоримга ҳеч кимни шерик қилмайман. Сен боғингга кирган пайтингда «Аллоҳ хоҳлаган нарсагина (бўлур), бор куч-қувват ёлғиз Аллоҳ биландир», десанг эди! Агар сен мени мол-давлат ва бола-чақа жиҳатидан ўзингдан камроқ деб билсанг, шоядки Парвардигорим менга сенинг боғингдан яхшироқ (бир боғ) ато этар, (сенинг боғингга эса) осмондан чақмоқлар юборур, бас, у сип-силлиқ ерга айланиб қолур. Ёки унинг суви (ер остига) сингиб кетиб, сен уни истаб ҳам топа олмай қолурсан»“. [18:37-41]

Энди қандай қилиб биродари шеригини рад қила туриб, «Сени яратган зотга кофир бўлдингми?» деган ҳолатда ҳукм чиқармади, дейиш мумкин?! Ахир унинг «Аллоҳ хоҳлаган нарсагина бўлур, бор куч-қувват ёлғиз Аллоҳ биландир» деб айтиши лозим бўлган гапга ундаб, кейин чақмоқлар туширишга ва сувни ерга сингдириб юборишга қодир Яратувчи зотнинг қувватини шарҳлайди-ку! Қандай қилиб ушбу воқеани динлар орасидаги суҳбат бирор шартсиз ва чекловсиз, унга қарши ҳукм чиқармасдан, шундайлигича қабул қилишга мисол бўла олади дейиш мумкин?!

Аммо Аллоҳ Таолонинг ушбу қавлини:

قُلْ يَا أَيُّهَا الْكَافِرُونَ ﴿١﴾ لَا أَعْبُدُ مَا تَعْبُدُونَ ﴿٢﴾ وَلَا أَنْتُمْ عَابِدُونَ مَا أَعْبُدُ ﴿٣﴾

– „(Эй Муҳаммад), айтинг: «Эй кофирлар! Мен сизлар ибодат қилаётган нарсаларга ибодат қилмасман. Ва сизлар ҳам мен ибодат қиладиган (Аллоҳ)га ибодат қилгувчи эмасдирсизлар»“, [109:1-3] кофирлар билан суҳбатлашишга, мана бу:

وَإِنْ أَحَدٌ مِنَ الْمُشْرِكِينَ اسْتَجَارَكَ فَأَجِرْهُ حَتَّى يَسْمَعَ كَلَامَ اللَّهِ ثُمَّ أَبْلِغْهُ مَأْمَنَهُ

– „(Эй Муҳаммад), агар мушриклардан биронтаси сиздан ҳимоя сўраса, бас, уни ҳимоя қилинг, токи у Аллоҳнинг каломини эшитсин. Сўнг уни ўзи учун тинч бўлган жойга етказиб қўйинг“, [9:6] қавлини эса мушриклар билан суҳбатлашишга далил қилиш эса нотўғри ва ноўриндир. «Ал-Кофирун» сураси уларнинг кофир эканлиги, куфрида давом этажаги ва ҳаргиз мўмин бўлмаслигига ҳукм чиқаради. Аллоҳ Субҳонаху улар ҳаргиз мўмин бўлмаслигини билиб, Ўз Расули ﷺни хабардор қилди ва ул зотга шу хабарни етказиб қўйишни ва бир

йил уларнинг маъбудларига, кейинги йил эса Аллоҳга ибодат қилиш таклифини улоқтиришга буюрди. Аллоҳ Субҳонаҳу улар ўлгунича кофир бўлиб қолажagini хабар бергач, суҳбатлашишга мутлақо ўрин қолмади. Бу сура муайян шахслар тўғрисида нозил бўлган эди. Аллоҳ рост сўзлагувчидир. Зеро уларнинг айримлари ўлди, айримлари қатл қилинди, бироқ бирортаси иймон келтирмади. Аммо Аллоҳ Таолонинг:

وَإِنْ أَحَدٌ مِنَ الْمُشْرِكِينَ اسْتَجَارَكَ فَأَجِرْهُ حَتَّى يَسْمَعَ كَلَامَ اللَّهِ ثُمَّ أَبْلِغْهُ مَأْمَنَهُ

– „*Эй Муҳаммад*), агар мушриклардан бирортаси сиздан ҳимоя сўраса, бас, уни ҳимоя қилинг, токи у Аллоҳнинг каломини эшитсин. Сўнг уни ўзи учун тинч бўлган жойга етказиб қўйинг“, [9:6] қавлида эса улар даъво қилаётган икки тенг тараф ўртасидаги суҳбатнинг далили йўқ. Унда суҳбатлашишга далолат ҳам йўқ, балки мушрикка Аллоҳнинг каломини эшиттириб қўйишга буйруқ бўлиб, у ё иймонга келгай ёки ўз маконига етказиб қўйилгай. Чунки оят Ислом тўғрисида сўрамоқчи бўлаётган мушрикка омонлик бериш ҳақидадир. Шу боис Исломга кириши умид қилинадиган йўсинда унга Ислом шарҳлаб берилади. Бу оятда унинг фикрини билиш учун тенглик, тенг ҳуқуқлилик асосида ва унга қарши ҳукм чиқармасдан суҳбатлашишга далил йўқ. Демак, оят уни мушрик деб қарор қилиб, ширк билан ҳукм чиқармоқда, унинг фикрини билиш учун у билан суҳбатлашишга чорлаётгани йўқ, балки Қуръонни унга эшиттириб қўйишни талаб қилмоқда. Шу сабабли уни далил қилиш асосли эмас.

## МУҚОБИЛ ҲАЗОРАТ ФИКРАТИ

Энг ёмони эса уларнинг ҳазоратлар орасидаги суҳбатдан кўзланган мақсади: «Ҳазоратлар ўртасида муштарак нарсани излаш орқали юксак муқобил ҳазорат пайдо қилиш учун ўзаро алоқа ўрнатиш, бу эса, ўз навбатида, юксалишга, гуллаб-яшнашга ва тинчлик қарор топишига олиб келади», - деган гапларидир. Уларнинг бири бу тушунчага Аллоҳ Таолонинг ушбу қавлини:

يَا أَهْلَ الْكِتَابِ تَعَالَوْا إِلَى كَلِمَةٍ سَوَاءٍ بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمْ أَلَّا نَعْبُدَ إِلَّا اللَّهَ وَلَا نُشْرِكَ بِهِ شَيْئًا وَلَا يَتَّخِذَ بَعْضُنَا بَعْضًا أَرْبَابًا

– „*Эй аҳли китоб* (яъни, яҳудий ва насронийлар), бизга ҳам, сизга ҳам баб-баробар бўлган бир сўзга келингиз - ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилайлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва бир-бировларимизни Аллоҳдан ўзга худо қилиб олмайлик“, [3:64]

далил қилиб келтириши нақадар ёмон. У кимса: «Бунинг маъноси бошқалар билан тенглик асосида суҳбат қуришдир» деб, сўнгра Аллоҳ Таолонинг: «Бизга ҳам, сизга ҳам баб-баробар бўлган сўз»ини муштарак сўз деб, «бизнинг сўзимизга келинглр, суҳбатлашамиз», демаймиз деб тафсир қилмоқда. Оятни бундай тушуниш Аллоҳга нисбатан бўҳтондир. Зеро, «баб-баробар» сўзининг маъноси адолат, яъни адолатли сўз деганидир. Буни кейинги оят баён қилиб беради. У оят иборавий жиҳатдан ҳам, маъновий жиҳатидан ҳам уларни муштарак сўзга даъват қилишимизни ўз ичига олган эмас. Бундан адолатли сўзда муштарак бўлишимиз қасд қилинаётгани йўқ - бунга уларнинг: «Бизнинг сўзимизга келинглр, суҳбатлашамиз демаймиз», деган гапи ҳужжатдир. Демак, уларнинг муштарак ҳазоратни хоҳлашидан ўзга даъвоси қолмади. Ўзаро муносабатга ва ҳазоратлар орасидаги муштарак нарсани излашга бўлган чақириқ ҳақиқатга ботилни аралаштиришдан ўзга нарса эмаски, бундан Аллоҳ нафақат мусулмонларни, балки аҳли китобларни ҳам қайтарган. Аллоҳ Таоло айтади:

يَا أَهْلَ الْكِتَابِ لِمَ تَلْبِسُونَ الْحَقَّ بِالْبَاطِلِ وَتَكْتُمُونَ الْحَقَّ وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٧١﴾

– „Эй аҳли китоб, нима учун ўзингиз билган ҳолингизда ҳақни ботилга аралаштирасиз ва ҳақни беркитасиз?!“ [3:71]

Биз уларнинг динлар ва ҳазоратлар орасидаги суҳбатдан кўзлаган ғаразли мақсадини баён қилгач, тўқнашув-курашнинг иқтисодий, фикрий, ҳарбий ва сиёсий турларини баён қилиш масаласига ўтамыз.

## **ҲАЗОРАТЛАР ОРАСИДАГИ КУРАШ. ИСЛОМ БИЛАН ЎЗГА ҲАЗОРАТЛАР ОРАСИДАГИ КУРАШ ТАРИХИ**

Динлар ва ҳазоратлар орасидаги кураш қадимийдир. Биз учун муҳими Ислом билан ўзга дин ва ҳазоратлар ўртасидаги курашдир. Дарҳақиқат, Ислом Муҳаммад ﷺга ҳақни очиқ олиб чиқиш буйруғи берилгандан бошлаб то қиёматгача кураш динидир. Ул зот ﷺ буюрилган нарсаларини очиқ айтишга маъмур бўлганларида, Ислом тушунчалари ва куфр тушунчалари ўртасида фикрий кураш бошланди. У тўхтамай, бугунги кунимизгача давом этиб келмоқда. Унга курашнинг ўзга турлари қўшилса ҳам у тўхтагани йўқ, унинг тўхташи жоиз ҳам эмас. Фикрий кураш кескин қақшатқич услуб билан бошқа фикрларни танқид қилишдир. Расулуллоҳ ﷺ Аллоҳ Таолонинг буйруғини ижро этиб айтардилар:

إِنَّكُمْ وَمَا تَعْبُدُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ حَصَبُ جَهَنَّمَ أَنْتُمْ لَهَا وَارِدُونَ ﴿٩٨﴾

- „(Эй мушриклар), сизлар ҳам, Аллоҳни қўйиб сизгинаётган бутларингиз ҳам жаҳаннам ўтинларидир. Сизлар у (жаҳаннамга) тушгувчидирсизлар.“ [21:98]

هَمَّازٍ مَشَاءٍ بِنَمِيمٍ ﴿١١﴾ مَنَاعٍ لِلْخَيْرِ مُعْتَدٍ أَثِيمٍ ﴿١٢﴾ عَتَلٌ بَعْدَ ذَلِكَ زَنِيمٍ ﴿١٣﴾

- „Ғийбатчи-ю, гап ташувчи, яхшилиқни ман қилгувчи бахил, тажовузкор, гуноҳга ботган, қўпол ва булардан ташқари бенасаб-ҳароми кимса“, [68:11-13]

ثُمَّ إِنَّكُمْ أَيُّهَا الضَّالُّونَ الْمُكَذِّبُونَ ﴿٥١﴾ لَا كَلُونَ مِنْ شَجَرٍ مِنْ رَقُومٍ ﴿٥٢﴾ فَمَا لَتُونَ مِنْهَا الْبُطُونَ ﴿٥٣﴾ فَنَسَارُونَ عَلَيْهِ مِنَ الْحَمِيمِ ﴿٥٤﴾ فَنَسَارُونَ شَرَبَ الْهَمِيمِ ﴿٥٥﴾ هَذَا نُزْلُهُمْ يَوْمَ الدِّينِ ﴿٥٦﴾ نَحْنُ خَلَقْنَاكُمْ فَلَوْلَا تُصَدِّقُونَ ﴿٥٧﴾

- „Сўнгра албатта сизлар, эй (қайта тирилишни) ёлғон дегувчи гумроҳлар, шак-шубҳасиз (жаҳаннамнинг ўртасида ўсадиган) Заққум дарахтидан егувчи, ундан қоринларингизни тўлдиргувчидирсизлар. Сўнг унинг устига қайноқ сувдан ичгувчи, (ичганда ҳам) ташна-тўймас туялар каби ичгувчидирсизлар! Мана шу уларнинг жазо (қиёмат) Кунисидаги «зиёфат»ларидир! (Эй инсонлар), сизларни Биз Ўзимиз яратдик-ку! Энди сизлар (охиратда яна қайта яратишга қодир эканлигимизни) тасдиқ этмайсизларми?!“ [56:51-57]

إِنَّ الْمُجْرِمِينَ فِي ضَلَالٍ وَسُعُرٍ ﴿٤٧﴾

- „Албатта жиноятчи-осий кимсалар гумроҳлик ва аҳмоқликдадирлар“, [54:47]

ثُمَّ يَبْتِهَلُ فَتَجْعَلُ لَعْنَةَ اللَّهِ عَلَى الْكَاذِبِينَ

- „Сўнга Аллоҳга илтижо қилайлик-да, ёлғончиларни Аллоҳ лаънат қилишини сўрайлик“, [3:61]

تَبَّتْ يَدَا أَبِي لَهَبٍ وَتَبَّ ﴿١﴾

- „Абу Лаҳабнинг қўллари қуригай - ҳалок бўлгай! (Аниқки), у қуриди - ҳалок бўлди“, [111:1]

إِنَّ شَانِئَكَ هُوَ الْأَبْتَرُ ﴿٣﴾

- „Албатта, сизни ёмон қўрувчи кимсанинг думи қирқилгандир (яъни, беному нишон йўқ бўлиб кетгувчидир)!“ [108:3]

Бу фикрий кураш Аллоҳ Таолонинг мана бу қавлига:

ادْعُ إِلَى سَبِيلِ رَبِّكَ بِالْحُكْمَةِ وَالْمَوْعِظَةِ الْحَسَنَةِ وَجَادِلْهُمْ بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ إِنَّ رَبَّكَ هُوَ  
أَعْلَمُ بِمَنْ ضَلَّ عَنْ سَبِيلِهِ وَهُوَ أَعْلَمُ بِالْمُهْتَدِينَ ﴿١٢٥﴾

– „Улар (сиз билан талашиб-тортишадиган кимсалар) билан гўзал йўлда мужодала-мунозара қилинг. Албатта, Парвардигорингизнинг Ўзи Унинг йўлидан озган кимсаларни жуда яхши билур ва У зот ҳидоят топгувчи кишиларни ҳам жуда яхши билур“, [16:125]

зид келмайди. Зеро ҳикмат - бу ақлий далил ва асосли ҳужжатдир. Чиройли панд-насихат эса чиройли эслатмадир. Чиройли эслатма эса фикр ва туйғуларни биргаликда жунбишга келтириш билан амалга ошади. Масалан, Аллоҳ Таолонинг ушбу қавли каби:

إِنَّ جَهَنَّمَ كَانَتْ مِرْصَادًا ﴿٢١﴾ لِلطَّاغِيْنَ مَا بَا ﴿٢٢﴾ لَا يَتَيْنَ فِيهَا أَحْقَابًا ﴿٢٣﴾ لَا يَدُوقُونَ فِيهَا  
بَرْدًا وَلَا شَرَابًا ﴿٢٤﴾ إِلَّا حَمِيمًا وَغَسَّاقًا ﴿٢٥﴾ حَزَاءً وَفَاقًا ﴿٢٦﴾

– „Албатта тугёнга тушгувчиларнинг борар жойлари бўлган жаҳаннам (ўзига қулаб тушадиган кофирларга) кўз тутиб тургувчи бўлди! Улар у жойда узоқ замонлар (яъни абадул-абад) қолгувчидирлар! Улар у жойда (жаҳаннам ўтидан ором берадиган) бирон салқинни ва бирон ичимликни топмаслар! Фақат қайноқ сув ва йирингнигина тотурлар! (Мана шу уларнинг қилмишларига) яраша жазодир!“ [78:21-26]

Энг чиройли мубоҳаса эса сиз билан баҳслашган киши озоридан юз ўгириш, яъни унга мутлақо аҳамият бермасликдир. Шунингдек, фикрий кураш билан Аллоҳ Таолонинг мана бу қавли:

وَلَا تُجَادِلُوا أَهْلَ الْكِتَابِ إِلَّا بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ إِلَّا الَّذِينَ ظَلَمُوا مِنْهُمْ

– „(Эй мўминлар), сизлар аҳли китоб билан фақат энг чиройли йўсинда мужодала-мунозара қилинглар, магар уларнинг орасидаги зулму зўравонлик қилган кимсалар билангина (кескин муомала қилишингиз мумкиндир)“, [29:46]

ўртасида қарама-қаршилиқ йўқдир. Энг гўзал йўл мубоҳаса давомидаги етказилган озордан юз ўгиришдир. Аммо урушиш, ҳукм ижро қилиниши ёки жизя тўлашдан бош тортиш билан зулм қиладиганларнинг мубоҳасаси қилич билан бўлади. Расулulloҳ ﷺ дан ривоят қилинган фикрий курашлардан бири ибн Абу Шайба ва Абдурраззоқ ўз «Муснад»ларида ҳамда сийрат (тарих) муаллифлари ва бошқалар Қатодадан келтирган ривоятларидир, Расулulloҳ насроний кишига: **«Мусулмон бул, Абул-Ҳорис»**, дедилар. Насроний: **«Мусулмон бўлганман»**, деди. Унга: **«Мусулмон бул, Абул-Ҳорис»**,

дедилар. У: «Мусулмон бўлганман», деди. Унга учинчи маротаба: **«Мусулмон бўл, Абул-Ҳорис»**, - дегандилар, у: «Сиздан илгари мусулмон бўлганман», деди. Шунда Расулulloҳ ﷺ газабландилар ва: **«Ёлгон сўзладинг, сен билан мусулмонлар ўртасини учта сифат тўсиб турибди: хамр сотиб олишинг (ичишинг демадилар), тўнгиз ейишинг ва худонинг фарзанди бор, деб дуо қилишинг»**, - дедилар. Санъоний тафсирида Абдулраззоқдан, у Муаммардан ва у эса Қатодадан келтиради: Убай ибн Халаф чириган суюкни келтириб, уни шамолга соча бошлади ва: «Аллоҳ шуни тирилтирадимми, эй Муҳаммад?» деди. Расулulloҳ ﷺ: **«Ҳа, Аллоҳ буни тирилтиради, сени эса ўлдиради ва дўзахга киритади»**, дедилар. Ҳоким Жобир ибн Абдуллоҳ رضي الله عنهдан қилинган ривоятни «Мустадрак»ида келтириб, уни саҳиҳ деган: «Бир куни Қурайш тўпланди, Утба ибн Робиа ибн Абдушшамс кириб келиб: «Эй Муҳаммад, сен яхшимисан ёки Абдуллоҳми?», деди. Расулulloҳ ﷺ сукут қилдилар, сўнгра: «Гапингиз тугадими?», дегандилар, у: «Ҳа», деди. Расулulloҳ ﷺ:

حَمِّ تَتْرَبِلْ مِنَ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ ﴿٢﴾

– „Ҳо, мим. (Ушбу Қуръон) меҳрибон ва раҳмли (Аллоҳ) томонидан нозил қилингандир“, [41:1-2]  
оятидан

فَإِنْ أَعْرَضُوا فَقُلْ أَنْذَرْتُكُمْ صَاعِقَةً مِثْلَ صَاعِقَةِ عَادٍ وَثَمُودَ ﴿١٣﴾

– „Бас, агар улар юз ўғирсалар, у ҳолда айтинг: «Мен сизларни худди Од ва Самуд (қабилаларини урган) чақмоққа ўхшаган бир чақмоқ-ҳалокатдан огоҳлантирдим»“, [41:13]

оятигача ўқидилар. Утба у зотга: «Етарли, етарли, сизда ундан бошқаси борми?» деганида «Йўқ», дедилар. Утба Қурайшга қайтиб борди. Улар ундан: «Иш нима бўлди?» деб сўрашди. У: «Мен сизлар гапирасизлар деб билган нарсадан бирортасини қолдирмасдан гапирдим», деди. «Жавоб бердимми?» - дейишди. У: «Ҳа, қасамки, айтган гапларининг ҳеч бирини тушунмадим, бироқ Од ва Самуд қабилалари учраган чақмоқ каби чақмоқдан сизларни огоҳлантирди», деди. Улар: «Ҳолингга вой бўлсин, сенга кимдир араб тилида гапирадию, сен унинг айтган нарсасини тушунмайсанми?» дейишганида у: «Йўқ, Аллоҳга қасамки, чақмоқ зикридан ўзга айтган нарсасидан бирор нарсани тушунмадим», деб жавоб берди». Бу ул зот ﷺдан ривоят қилинган фикрий курашнинг бир кўринишидир.

Шунингдек, айрим саҳобалар ҳам шундай қилишган. Ибн Исҳоқ Зубайрдан қилган ривояти ҳам шунинг жумласига киради. Зубайр

деди: «Расулulloҳ ﷺ дан кейин Маккада Қуръонни биринчи овоз чиқариб ўқиган одам Абдуллоҳ ибн Масъуд бўлди». Айтадилар: «Бир куни Расулulloҳ ﷺ нинг саҳобалари тўпланишди ва: «Қурайш Қуръон овозни баралла чиқариб ўқилганини ҳали эшитгани йўқ, уни уларга эшиттириб қўядиган ким бор?» дейишди. Абдуллоҳ ибн Масъуд «Мен», деди. Улар: «Биз улар сенга зиён етказишидан қўрқамиз. Биз қавм унга бирор нарса қилмоқчи бўлганда ундан ҳимоя қиладиган қариндошлари бор кишини назарда тутяпмиз», дейишди. Шунда ибн Масъуд: «Мени қўяверинглар, зеро мени Аллоҳ ҳимоя қилади», деди. У эрталаб туриб, чошгоҳда тўпланадиган жойга келди-да, овозини баланд қилиб:

الرَّحْمَنُ عَلَّمَ الْقُرْآنَ

– „Меҳрибон (Аллоҳ Муҳаммад пайғамбар ва унинг умматларига) Қуръонни таълим берди“, [55:1-2]

оятини ўқиди. Сўнгра Қурайшга юзланиб ўқий бошлади. Улар ҳайрон қолиб: «Умму Абднинг ўғли нима деяпти?» дейишди. Кейин: «Муҳаммад келтирган нарсанинг айримини ўқияпти-ку!» дейишди-да, туриб унинг юзига ура бошлашди. Ибн Масъуд эса ўқийверди ва Аллоҳ хоҳлаган жойгача ўқиди, сўнгра саҳобалар ҳузурига қайтди. Унинг юзларида ҳали зарбаларнинг изи бор эди. Саҳобалар: «Биз мана шу нарсдан қўрққан эдик», дейишди. Ибн Масъуд: «Аллоҳнинг душманлари менга ҳозиргидан кўра арзимас бўлмаганиди, агар хоҳласангиз, эртага ҳам уларга шундай қиламан», деди. Улар: «Йўқ, етарли, уларга ёқтирмайдиган нарсаларини эшиттирдингиз», дейишди». Ибн Касир «Жомиъул-масонид вас-сунан»да Ҳотибдан қуйидагини келтирган. Расулulloҳ у кишини Искандария муқавқиси (Исломгача бўлган Искандария раҳбарларининг унвони) Журайж ибн Минонинг ҳузурига юбордилар. Муқавқис у кишига: «Нима учун пайғамбарингиз уни ўз юртидан чиқариб юборганларни дуои бад қилмайди?» деб сўради. Ҳотиб унга: «Худди Ййсо Аллоҳ Ўз ҳузурига кўтаргунича уларни ўлдирмоқчи бўлганларни дуои бад қилмаганлари сингари», деди. Шунда муқавқис: «Офарин, сиз донишманд кишининг ҳузуридан келган донишмандсиз», деди. Ҳоким «Мустадрак»ида келтириб, Бухорий ва Муслим шартларига биноан саҳиҳ деб ривоят қилади, Абу Мусо رضي الله عنه деди: Расулulloҳ ﷺ бизга Нажошийнинг ерига боришни буюрдилар. Бунинг хабари Қурайшга етиб, улар Амр ибн Ос ва Аммора ибн Валидни Нажошийга аталган совға-саломлар билан юборишди. Биз етиб бордик, улар ҳам Нажоший ҳузурига келиб, совға-саломларни топширишди. Сўнгра Амр ибн Ос: «Бизнинг айрим қабиладошларимиз динимиздан юз ўгириб, ҳозир сизнинг ерингизда

турибди», деди. Нажоший улардан: «Менинг еримда турибди?» деб сўради. У «Ҳа», деди. Кейин бизга одам юборилди. Жаъфар бизга: «Сизлардан бирор киши гапирмасин, бугун сизлар орангиздаги гапирувчи менман», деди. Биз Нажоший ҳузурига етиб борганимизда у мажлисда ўтирган эди, унинг ўнг тарафида Амр ибн Ос, чап тарафида эса Аммора ибн Валид бор эди. Унинг кашишлари ва роҳиблари сукут сақлаб ўтирар эди. Шунда Амр ва Аммора унга қарата: «Улар сизга сажда қилишмайди», дейишди. Биз унинг ҳузурига борганимизда унинг кашиш ва роҳиблари «Подшога сажда қилинглари!» деб бизга бақирди. Жаъфар эса «Аллоҳдан ўзгага сажда қилмаймиз», деди. Нажоший унга «У ким?» - деганда, Жаъфар: «Аллоҳ бизга пайғамбарини юборди, у Ийсо ўзидан кейин Аҳмад исмли пайғамбар келади, деб башорат берган пайғамбардир. Бас, у бизга Аллоҳга ибодат қилишни, Унга бирор нарсани шерик қилмасликни, намоз ўқиб закот беришни буюрди ҳамда бизни маъруфга буюриб, мункардан қайтарди», деди. Одамлар унинг бу сўзларидан ажабланди. Буни кўрган Амр: «Аллоҳ подшоҳни янада улугласин, аммо улар Ийсо ибн Марям борасида сизларга қарама-қаршидир», деди. Нажоший Жаъфардан: «Биродарингиз ибн Марям тўғрисида нима дейди?» - деб сўради. Жаъфар: «У тўғрисида Аллоҳнинг *„Албатта, ал-Масийҳ Ийсо бинни Марям фақат Аллоҳнинг пайғамбари ва Унинг Марямга етказган сўзи ҳамда Унинг томонидан бўлган руҳ (соҳибидир), холос“*, деган қавлини гапиради», деди. Шунда Нажоший ердан бир новдани қўлига олди-да: «Эй кашишлар ва роҳиблар жамоаси, булар ибн Марям тўғрисида сизлар гапираётган нарсадан шунча ҳам ошмайди. Сизларга ва сизлар унинг ҳузуридан келган кишига марҳабо. Мен у Аллоҳнинг расули ва Ийсо ибн Марям башорат берган зот эканлигига гувоҳлик бераман. Агар мен подшоҳ бўлмаганимда эди, унинг олдида бориб оёқ кийимини кўтариб юрган бўлар эдим. Менинг еримда хоҳлаганингизча тураверинг», деб уларга таом ва кийим олиб келишга буюрди ва «Мана бу икки кишига совғаларини қайтариб беринглари», деди. Аҳмад бу ҳадисни Умму Салама رضي الله عنهاдан Абу Мусо رضي الله عنهнинг ҳадисидагидан кўпроқ тафсилотлар билан келтирган. Уни Ҳайсамий «Мужмаъ»да нақл қилиб: «Ровийлари - ибн Исҳоқдан ташқари - ишончлидир», деган.

Ул зот رضي الله عنهнинг вафотларидан кейин мусулмонлар куфр диёнатию ҳазоратлари билан фикрий ва ҳарбий жиҳатдан курашишди, бунинг натижасида эски дунёнинг деярли барча бурчакларигача Ислом дини тарқалди. Одамлар Аллоҳнинг динига тўп-тўп бўлиб киришди. Улар ўзларининг собиқ дин ва ҳазоратларини тарк этиб, ақидаси, фикрлари, ҳаётга нисбатан кўзқараши, низоми ва манфаатлари, шунингдек, Аллоҳнинг калимасини олий қилишдан иборат бўлган энг юксак

гоялари ҳам бир бўлган ягона Умматга айланишди. Улар жаҳондаги бошқарув марказига айланишди, уларнинг шаҳарлари эса ёрқин фикр, тавҳид ақидаси ва адолатли шариатни таратувчи марказларга айланди. Улар оламга Китоб, Суннат ва араб тилини олиб чиқишди, натижада, Ислом барчанинг мабдасига айланди. Араб тилига қизиқиш ортиб кетди, ҳаттоки улар орасидан мужтаҳидлар ва тилшунос олимлар етишиб чиқди. Бунда араб билан ажам орасида фарқ қолмади, барчалари Аллоҳнинг неъматини ила биродар бўлишди. Биз бугунги кунда араб тилини Исломдан ажратиб ташлаш учун унга қарши жирканч услублар билан ёвузларча ҳужум қилинаётганини кўриб турибмиз. Масалан, диалектлар (шевачилик)га бўлган чақириқ, бошқа мусулмонлар лугатини лотин ҳарфлар билан ёзиш ва маҳаллий талаффузларни араб тили деб эътибор қилиш кабилар. Араб тилини билмайдиган кишининг ижтиҳод қилиши у ёқда турсин, Исломни тушуниши қийин кечиши ҳам аниқ. Улар араб тилини лотин ёки сурёний тилга ўхшатмоқчи, бунинг натижасида Исломни истеъмолдан чиқиб кетган ушбу тил мутахассисларигина тушуна олади. Улар уни ўлик тилга айлантиришмоқчи. Араб тилини билмайдиган киши хабар ва иншо, амр ва наҳий, ҳақиқат ва мажоз, иллат ва сабаб, шарт ва монё, хос ва ом, мутлақ ва муқайяд, ифода, тушунча, илтизом ва ҳарфлар маъноларининг далолати ва булардан бошқа шаръий нусусларни тушуниш учун лозим бўлган нарсаларни қандай тушунсин?! Демак, бунга чақираётганлар Ислом душманларидир. Қайси бир мусулмоннинг кўзига бу беҳуда маъносиз нарсалар чиройли кўринса, демак у калтафаҳмдир.

Бироқ, Аллоҳнинг динига кириш ҳатто арабларнинг орасида ҳам тўлиқ даражада оммавий бўлмади. Зеро, мағлуб диёнат ва ҳазоратлар мавжуд бўлишда давом этиб, уларнинг юксалишига шароит бўлмаганлиги туфайли аввалда улар заиф бўлиб турди. Натижада худосизлик ҳаракатлари заифлашиб, бостириб ташланди. Бироқ, кейинчалик араб тилини эътиборсиз ташлаб қўйиш ижтиҳод эшиги беркилишига ва аҳкомларни тушунишдаги беқарорликка олиб бордики, бу ўз навбатида Давлатни заифлаштириб, у парчаланиб майда давлатчаларга айланишигача етиб борди. Қадимги ҳазоратларнинг айрим фикрлари мусулмонлар зеҳнига кириб келди. Масалан, ҳинд фалсафасидан тарки дунёчилик ва танани қийнаш, айримлардаги тарафкашлик, бошқа бирларидаги ботиния оқими фикрлари, шунингдек, Хилофат марказидан ажраб чиқишга интилиш ҳақидаги фикрлар каби. Бу ишлар давлатни заифлаштириб, фатҳларни тўхтатди. Кейинроқ эса салибчилар ва мўғул-татарлар унга тама қила бошлади. Сўнгра Усманийлар келиб, давлат иқлимларининг кўпчилик қисмини

салтанатлари остида бирлаштириб, фатҳларни қайта бошлади. Лекин уларда мабдани соғлом шаклда олиб чиқиш ўрнига ҳарбий қувват устувор эди. Шунинг учун биринчи фатҳларда бўлгани каби кейинроқ фатҳ қилинган юртлар халқлари Ислом дошқозонида бирлашиб кетмади. Ўзбек, тожик, пуштун, форс, турк, барбар, ҳинду, дайлам, туркман ва курдлар каби Исломни қаттиқ севган ва уни қаттиқ ушлаган халқлар билан серб, юнон, маляр (венгр), хорват, румин ва бошқалар каби Усманийлар даврида фатҳ қилинган халқлар орасидаги фарқни сезиш мумкин. Негаки улар мусулмонларга ва уларнинг давлатларига қарши Ғарб билан тезда тил бириктириб кетди, интиқом учун фурсат келганда уни қўлдан бой бермади. Сўнгра Исломга қарши сақофий ва табширий (миссионерлик) ҳужумлар бошланиб, улар Ғарб ҳазорати Ислом давлатини тугатиши, парчалаши ва мусулмонлар жамоасини бўлиб ташлаши билан якунланди. Капиталистик Ғарб бу билан чекланиб қолмасдан, ирқчилик, ватанпарварлик, демократия, ҳуррият, вазъий қонунлар ва сохта чегаралар каби тушунчаларини мусулмонлар орасида ёйишга бел боғлади. Ғарб ташкил этилган давлатчалар тепасига ўзига дўст бўлган, нуфузи ва тушунчаларини ўрнатадиган, манфаатларини ҳимоя қилиб, тарқоқликка асос соладиган, Аллоҳнинг йўлидан тўсиб, уларнинг чангалидан қутилмоқчи бўлган ҳар бир мусулмонга қарши курашадиган бузуқ раҳбарларни тиклай олди. Уларнинг бу қилмишларига капиталистик фикрларга астойдил даъват қилиб, уларни ёқлайдиган ҳамда кўр-кўрона ихлос билан умматнинг душмани тарафига ўтиб олиб, Ислом ҳазорати билан курашадиган малай зиёлилар кўмаклашди. Салибчи кофирлар ва мусулмонлар юртларида қарор эгалари бўлмиш малайлар оммавий ахборот воситалари ва таълим-тарбия соҳасини ўз назоратлари остига олди. Натижада ўзлари адашиб, бошқаларни ҳам адаштирди. Бу фикрий ҳужум шу билан чекланмади. Капиталистик ҳазоратнинг ҳурриятлар, демократия, плюрализм, фуқаролик жамияти, институционал давлат, инсон ҳуқуқлари, аёл ҳуқуқлари, ватанпарварлик робитаси, динлараро суҳбат ва ўзга тушунчаларига бўлаётган даъват тинимсиз олиб борилмоқда. Мазкур нарсалар ҳақиқатда Исломий ва капиталистик ҳазоратлар ўртасидаги кескин фикрий курашдир. Бу кураш шунчалик аниқ-равшанки, айрим муфаккирлар ва капитализм етакчилари ниқоблаш ва чалғитиш учун уни беркитишга ҳар қанча уринсалар ҳам, уни исботлашга эҳтиёжнинг ўзи йўқ. Зеро биз ҳар кун уларни кўриб, эшитмоқдамиз. Масалан, Американинг собиқ президенти Никсон «Қулай фурсат» китобида шундай дейётганини ўқиймиз: «Бизнинг узлатда бўлишимиз бизнинг қадриятларимиз ва бутун дунёга яхшилик тарқатишга даъват

қилаётган диний эътиқодларимизга зид». У ўзининг «Урушсиз ғалаба» китобида шундай дейди: «Инқилобий Исломий мафкура замонавийлаштиришга қарши акс муносабатдир. Коммунизм тарих соатини олдинга айлантиришга ҳаракат қилмоқда, Исломий ақидапарастлар эса уни орқага қайтармоқчи... Коммунистик ва исломий инқилобчилар муштарак мақсадни кўзлаган мафкуравий душмандир. У мақсад инсон зоти кўтара олмайдиган - уларнинг ғоялари устига бино бўлган - диктаторлик тузумини ўрнатиш мақсадида ҳокимиятга етишиш учун ҳар қандай лозим топилган воситадан фойдаланиш». Италиянинг ҳозирги бош вазири Берлускони бундай демоқда: «Биз ўзимизнинг ҳазоратимиз устунлигини англашимиз лозим. Шарқ Ғарб ҳазоратига қарамлигида давом этади ва бу қарамлик фақат зиёда бўлади. Дарҳақиқат, бу нарса бир марта коммунистик оламда содир бўлди ҳамда Ислом оламининг қисмларида ҳам содир бўлди». Осло шартномасининг масъул комиссари Терье Ларсен Фаластиндаги мусулмонларнинг Ғарб билан кўникма ҳосил қилишга юзланишини олқишлади. Ослодаги яҳудлар делегациясининг аъзоси ва музокарачиси бўлмиш Йоси Сарид «Юриш» китобида келтиради: «Аёллар бошларидаги ёпинчиқлар кўтарила бошлади, кўйлақлар ҳам пастки томондан қисқарди. Буни Ларсен Ғарб билан кўникма ҳосил қилишга юзланиш деб олқишлаб, яхши кутиб олди». Дарҳақиқат, аёллар бунга Ослодан илгарги биринчи интифога асносида журъат қила олмаганди. Америка давлат котибининг собиқ ёрдамчиси Филлис Окли эса бундай демоқда: «Мен ҳазоратлар тўқнашувидан четланиш мумкин эмас, дейдиганлар билан ҳамфикрман». Американинг собиқ давлат котибаси Мадлен Олбрайт бундай демоқда: «Биз ўзлимиз туфайли ҳужумларга дучор бўлдик. Биз глобаллаштириш фикратини қаттиқ ушлаймиз ва демократия, хуррият ва очиқ жамиятни ҳимоя қиламиз. Мана шулар Американинг моҳиятини ташкил этади, биз ундан чекина олмаймиз» («Қуддус» рўзномаси, Натан Чарлз Вашингтоннинг таржима қилинган мақоласи). Америкадаги Йел универститетининг тарих бўйича профессори Пол Кеннеди шундай дейди: «Террористик ҳужумлар хатари ҳаргиз йўқолмайди, деган хулосани инкор қилиш қийин. Шунингдек, биз бу ҳужумлар пайдо бўлишининг олдини олишда катта муваффақият қозона олмадик. Чунки жин шиша оғзидан интиқом руҳи билан чиқиб бўлди. Кечаги автомобил бомбаси бугунга келиб самолёт бомбасига айланди» («Қуддус» рўзномаси, 2001 йил 22 сентябрда таржима қилиб чоп этилган мақола). Собиқ яҳуд президенти Герцог 1992 йили Польша парламенти олдида қўйидагиларни айтган эди: «Исломий ақидапарастлик вабоси тезлик билан тарқалмоқда, у фақат яҳуд

халқига эмас, балки бутун башариятга хавф туғдирмоқда» («Арабий» мажалласи, 514 сон). Шимон Перес эса бундай деди: «Ақидапарастлик коммунизм емирилгандан кейинги даврда энг катта хатарга айланди» («Арабий» мажалласи, 514 сон). Американинг собиқ давлат котиби Сайрус Венс бундай деди: «Ишлари қандай тус олишини билиб бўлмайдиган мана бу ақидапарастлар билан эҳтиёткор ва жиддий муносабатда бўлишимиз лозим» («Арабий» мажалласи, 514 сон). Франция маданий энциклопедияси эса Муҳаммад ﷺни: «Товламачи, аёллар ўғриси, инсоният ақлиятининг энг катта душмани», деб тасвирлайди.

Булар ва буларга ўхшашлар Исломга адоватини очиқ кўрсатмоқда. Берилаётган баёнотлар улар капиталистик ҳазоратлари билан қуролланиб, Исломий ҳазоратга қарши кескин фикрий кураш олиб бораётганидан очиқдан-очиқ далолат беради. Бироқ, бу ердаги бошқа бир гуруҳ ҳам борки, улар мусулмонлар онгини заҳарлаш ва уларни ўзгартиришдан тўсиб туришни давом эттириш учун кўзбўямачилик қилиб, уларни чалғитишга уринмоқда. Уларнинг Исломга ва мусулмонларга нисбатан сақлаб келаётган кек-адовати олдингиларникидан кам эмас. Американинг собиқ перзиденти Клинтон бундай деяётганини эшитишимиз мумкин: «Бугунги Ўрта Шарқдаги душманимиз экстремизмдир». У ҳазоратлар тўқнашуви фикратини рад қилди. Шу йўсинда у жорий курашнинг Исломга алоқаси йўқ, бироқ у дин ва миллатчиликка бурканиб олган экстремистик кучларга қарши курашдир, деб эътибор қилмоқда. У экстремизм Ислом таълимотига ҳам қарши деб қўшимча қилди ҳамда Ислом жаҳонда тотувлик ва мўътадиллик учун катта куч деб таъкидлади. («Арабий» мажалласи, 514 сон). Белгия ташқи ишлар вазири Луи Мишел Берлусконининг юқоридаги баёнотига изоҳ бериб: «Қачонки Европа иттифоқи азсоси бўлмиш давлатнинг бош вазири шу каби гапни айтса, у тамоман рад этилади. Чунки бирор ҳазоратни бошқа ҳазоратлардан афзал ёки устунроқ деб эътибор қилиш барчамиз иймон келтирган Европа қадриятларига зиддир», деди («Ал-Жазира» канали уюштирган суҳбат). Ҳатто кичик Бушнинг салибчилик ҳужуми деб очиқ гапириб жар солгани уни Вашингтондаги Ислом марказига ташриф буюришдан ва Исломни тинчлик дини деб сифатлашдан қайтармади. Ушбу ҳужумдаги унинг шериги бўлмиш Британия бош вазири Блэр унга ўхшаб Исломни тинчлик дини деб сифатлаб, мана бу ояти кариманинг:

مَنْ قَتَلَ نَفْسًا بِغَيْرِ نَفْسٍ أَوْ فَسَادٍ فِي الْأَرْضِ فَكَأَنَّمَا قَتَلَ النَّاسَ جَمِيعًا

– „Кимки бирон жонни ўлдирмаган ва ерда бузгунчилик қилиб юрмаган одамни ўлдирса, демак, гўё барча одамларни ўлдирибди“, [5:32]

маъносини ҳужжат қилди. У ва у кабилар ишлатаётган бундай алдамчи ибораларга мусулмонлар алданиб қолиши мумкин эмас. Чунки улар содир этаётган қилмишлар уларнинг қалбидаги нарсани фош этади. Аммо уларнинг ёлғон гаплари эса ҳеч бир мусулмонни алдай олмайди.

Уларнинг барчаси Ислом ҳақиқатини тушунади, ҳатто баъзи мусулмонлардан ҳам яхшироқ тушунади. Масалан, биз Америка собиқ президенти Никсоннинг ушбу гапларини келтирган эдик: «инсон зоти кўтара олмайдиган гоёлар... Ақидапарастлар уни орқага бурмоқчи... Исломчилар мафкуравий душмандир». У ўзининг «Қулай фурсат» номли китобида яна шундай деяётганини кўраимиз: «Ислом фақатгина дин эмас, балки катта ҳазоратнинг пойдеворидир». Никсон Ислом билан насронийлар орасидаги фарққа ўз эътиборини қаратиб, шу китобнинг ўзида ақидапарастлар ҳақидаги бобида: «Улар собиқ Исломий ҳазоратни ўтмишни тиклаш орқали қайтаришга жиддий киришган ва, Исломий шариатни татбиқ этишни мақсад қилиб, «Ислом - дин ва давлатдир», деб жар солишмоқда... Бироқ, бизнинг ҳазоратимиз уларнинг ҳазоратидан илғорроқ эмас. Дарҳақиқат, Ислом дунёси коммунизмга қарши Фарбдан кўра кучлироқ курашди. Уларнинг Фарб оламида тарқаган моддийлик ва ахлоқий бузуқликни инкор этиши камчилик эмас, фазилатдир» дейди. Гарчи унинг мана шу сўзлари холис айтилганлигига қарамасдан, улар бизларни мафкуравий душман деб эълон қилишдан ҳам, мусулмонларга қарши фитна қилишдан ҳам ва уларнинг зиддига яҳуд тарафини олишдан ҳам қайтармади. У «Урушсиз галаба» китобида шундай деб ёзади: «Бизнинг Исроилни сақлаб қолиш хусусидаги мажбуриятимиз чуқур илдиз отган. Биз расмий иттифоқдош бўлмасак-да, бизларни ҳар қандай қоғоз парчасидан кучлироқ нарса боғлаб туради. Бу маънавий мажбуриятдир, ундан ўтмишда бирор президент зинҳор воз кечмаган ва унга келажакда ҳар бир президент астойдил риоя қилади. Америка Исроилга чанг солишга қасамёд қилган Исроил душманларига уни вайрон қилиш билан амалга оширадиган мақсадларини амалга оширишга ҳаргиз йўл бермайди». «Қулай фурсат» китобида эса шундай сўзлар келган: «Исроил ва Жанубий Корея каби таҳдид қилинаётган демократик давлатларни ҳимоя қилиш мақсадида биз - лозим бўлса - ҳарбий куч ишлатишга ҳам тайёرمىз... Ҳеч бир Америка президенти ёки конгресс Исроилнинг парчаланишига ҳаргиз йўл бермайди», дейди.

Улар Ислому ҳақиқатини ва унинг ҳазоратини тушунади, аммо ўз куфрлари, душманлиги ва макр-ҳийлаларида давом этаверади. Бунинг ажабланарли жойи йўқ, зеро мусулмон киши капиталистик ҳазоратни уларнинг айримларидан кўпроқ тушунади, шу вақтнинг ўзида ўз динига ва ҳазоратига астойдил муҳлис мусулмонлигича қолаверади. Шунингдек, бунинг акси ҳам бўлиши мумкин. Шу боис мусулмонлар бундай сўзларга алданиб қолмасликлари лозим.

Пайғамбарлик минҳожини асосидаги тўғри йўлдаги Халифалик мавжуд бўлиши Ислому билан куфр ўртасидаги курашда мустақкам асос вазифасини ўтайди. Ислому татбиқ этилмаётган ва мусулмонларнинг ҳоли чуқур заифлик, хорлик, қолоқлик ва тарқоқлик дардига мубтало бўлган бир вақтда ушбу кўп қуролли курашни фақатгина матбуот воситалари орқали даъват қилиш, китоблар чоп қилиш ва шахсий алоқаларга чеклаш гўллик ва бефаҳмлиқнинг айнан ўзидир. Қачонки давлат тикланар экан, унда адолат, иззат-шараф, саодат, инсонийлик ва барча турдаги фазилатлар намоён бўлади ва бунинг яқини узоқдаги мусулмон ва кофир шу заҳотиёқ ҳис қилади. Унинг мавжуд бўлиши миллионлаб китоблар, алоқалар ва минглаб матбуот воситаларининг ўрнини боса олади. Агар унинг мавжудлиги мазкур нарсаларга қўшилиб кетса, одамлар Аллоҳнинг динига тўп-тўп бўлиб қираётганини кўрасиз.

## **ҲАЗОРАТЛАР КУРАШИНING ТУРЛАРИ**

### **Фикрий кураш**

Ислому билан мавжуд куфр ҳазоратлари ўртасидаги фикрий кураш воқеий ҳақиқат бўлиб, мусулмонлар зиммасидаги фарздир. Бунда кофирлар курашни биринчи бошлаши шарт қилинмайди. Расулуллоҳ ﷺ бундай курашни давлат тикланишидан илгари, Маккадаги даъват махфийлик давридан ўтгандан кейин бошладилар. Ушбу ҳолат бугунгача давом этиб келди ва Аллоҳ хоҳлаганича давом этади. У айрим одамларга ноаниқ бўлиб турган бўлса ҳам, аслида жуда аниқ нарсалардир. Миллатлар ва динлар ҳақидаги китоблардан хабардор киши буларда мусулмонлар билган ҳар бир фикрлар билан фикрий курашга киришганини топади.

Фарб ҳазорати билан Исломиё ҳазорат орасидаги ушбу кураш турли услубларида намоён бўлади. Хусусан:

1. Матбуот воситаларига ҳукмрон бўлиб олиш ва уларни капиталистик ҳазорат хизматиға йўналтириш;

2. Ғарб тушунчаларини ёйиш, Исломиё ҳазорат тушунчаларининг айримларини хунуклаштириш, уларга қарши курашиш ва мусулмонлар тарихини сохталаштириш учун таълим дастурларига тўлиқ ҳукмрон бўлиб олиш;

3. Ғарбликлар бевосита назорат қиладиган мактаблар ва олий ўқув юртларини барпо этиш;

4. Ғарб ҳазоратини қабул қилиб, унга даъват қиладиган, Ғарб ва унинг илғор мўътадил дўстлари ҳимоя қиладиган ҳизб (партия)ларни пайдо қилиш;

5. Сара қатлам, зиёли ва муфаккир деб номланувчиларга алоҳида эътибор қаратиб, улар фаолиятини ёритиш ва Исломиё юртларда фикр етакчиларига айланишлари учун уларни машҳур қилиш;

6. Ғарбга фикрий, сиёсий ёки хавфсизлик соҳасида малай, яъни жосус бўлишга яроқли шахсларни танлаб олиш учун турли хил тадқиқот ва маърифий ўқув дастурларига маблағ (стипендия) ажратиш;

7. Ғарбнинг захри қотилини тарқатиш йўлида муассасалар, клублар ва махсус марказлар ташкил қилиб, уларни ҳеч бир чекловсиз маблағ билан таъминлаш;

8. Араб тилига қарши курашиш, ажам тилларини жонлантириш, миллатчилик ва ватанпарварлик туйғуларини алангалатиш.

Манфаатлар учун кураш номли нарса ҳам аслида изидан фикрий кураш келиб чиқадиган фикрий ихтилофга асосланади. Манфаатлар устидаги кураш баъзан ҳарбий тўқнашувгача етиб боради. Ҳарбий курашиш қувватига эга бўлмаган кучсиз вужуд манфаатлар курашига сиртлон ёки чиябўри шернинг ўлжасига яқинлашганича яқинлашиши мумкин. Манфаатлар устидаги бундай кураш икки турли хил ҳазорат ўртасида бўлиши мумкин, шунингдек, бир хил ҳазорат вакили бўлмиш икки давлат ёки халқ ўртасида ҳам бўлиши мумкин. Америка Форс кўрфазига ҳужум қилиб, уни босиб олиб, унда ўз нуфузини ўрнатиб, у ерда мустаҳкам жойлашгандаги мақсади қувайтликларни озод қилиш эмас эди, балки нефтга бой минтақада манфаати ва нуфузини ёйиш устидаги кураш бўлган эди. Шунингдек, улардан кимдир Аллоҳ Субҳонаху ва Таолонинг нефтни Ғарбда эмас, Кўрфазда мўл-кўл қилгани борасида: «Биз худонинг хатосини тўғирлаш учун келдик», деган эди. 1990 йил 16 декабр куни ўша пайтдаги Америка давлат котиби Шульц шундай деган эди: «Қувайтдан чиқиб кетган тақдирда ҳам Ироқнинг ҳарбий

кучларини парчалаш лозим». Дик Чейни 1990 йил 3 декабрда Конгресс олдида «Бундай ҳужум, Саддам Ҳусайн Қувайтдан чиқиб кетиши ёки можаро қандай бартараф этилишидан қатъий назар, такрорланмаслигини кафолатлаш лозим», деган эди. Ироқ, Қувайт ва Кўрфазнинг бошқа давлатлари ўша вақтгача Британия таъсири доирасида эканлиги маълум эди. Шу боис Америка Британия билан сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан курашган эди, ҳолбуки иккиси ҳам битта ҳазорат - капитализмга мансуб давлатлардир. Шу вақтнинг ўзида у мусулмонлар билан сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан курашар эди. Ҳолбуки, унинг ўзи капитализмни қабул қилиб, Исломиё ҳазорат ёки унинг кўпгина тушунчаларидан воз кечган мусулмонлар билан курашмоқда. Америка мусулмонларга қарши собиқ услублари асосида олиб борган кураши ҳазорий жиҳат устига барпо бўлган бўлиб, заиф миллатларни мустамлака қилиш ва уларнинг бойликларига мутлақ ҳукмрон бўлишдан иборат эди. Мана у ўз ҳужумини Ўрта Осиёга қайтадан бошламоқда. Аммо Британия билан бўлган курашидаги ҳазорий жиҳат араблар билан бўлган курашдаги жиҳатлардан фарқлидир. Америка Кўрфазда Британия билан курашишдан мақсад янги оламшумул бошқарув ва заифларнинг бойликларини талон-торож қилиб олиб кетишда ёлғиз ўзи бўлишини кафолатлашдир. Шунинг учун Америка - катта Бушнинг ибораси билан айтганда - авангард-сафбоши бўлиши лозим. Яъни, оламга етакчилик қилишда икки қутбга ўрин йўқ, фақатгина битта қутб бўлиши, яъни Америка - бирор рақобатчиси бўлмаган ҳолда - кўҳна мустамлакачиликнинг вориси бўлиб қолиши лозим. Икки ҳазорат ўртасидаги курашга мисол қилиб капиталистик Америка билан коммунистик Совет иттифоқи ўртасидаги курашни келтириш мумкин. Аммо у ҳарбий тўқнашув даражасига етиб бормасдан, сиёсий, фикрий ва иқтисодий курашга чекланди ва Совет иттифоқининг заволга юз тутиши билан интиҳосига етди. Битта ҳазорат эгалари ўртасидаги курашга мисол қилиб эса нацист (ирқчи) давлат бўлмиш Германия ҳамда ўзга капиталистик давлатлар ўртасидаги курашни келтирса бўлади. У немис ирқини бошқа ирқлардан устун деб биладиганлар билан Европа ва Америка халқлари орасида ирқий устунликни инкор қиладиганлар ўртасидаги кураш эди. Лекин у бир ҳазорат, яъни капитализмни қабул қилганлар доирасидаги курашлигича қолди. Бу кураш ирқчилар ҳазоратининг махсус тушунчаси билан иттифоқдош давлатлар тушунчаси орасидаги муайян зиддиятга асосланган эди.

Демак, фикрий кураш Одам ﷺнинг икки ўғиллари ихтилоф қилганидан бошлаб то шу кунгача ер юзидаги барча курашларнинг асосидир. У Аллоҳ Таоло хоҳлаган вақтгача давом этади. Шунинг учун биз фикрий курашдан бошладик.

### **Иқтисодий кураш**

Дарҳақиқат, иқтисодий кураш қадимдан мавжуд бўлган, лекин бугунги кунда ҳар тарафлама, тартибли, қақшатқич ва қўрқинчли тус олдики, кучли ҳазорат тобелари ўзга ҳазоратлар издошларидан иборат Аллоҳнинг бандаларини раҳм-шафқат қилмасдан, инсонийликни бир четга йиғиштириб қўйиб қириб юбормоқда. Олам катта ўрмонга айланиб, унда кучли кучсизни емоқда. Тўғри, олам борди-келди ва алоқа жиҳатидан олиб қаралса кичик бир қишлоққа ўхшайди, аммо кучли кучсиз устидан ҳукмронлик қилиши жиҳатидан ўрмон кабидир. Бу нарса капитализм, хусусан, унинг етакчиси бўлмиш Америка қўллаётган услубларда яққол кўзга ташланади:

Биринчиси - хом ашёга қандай қилиб бўлса ҳам эгалик қилиш;

Иккинчиси - долларни тилланинг муқобили сифатида умумжаҳон валюта қилиш. Европа бу ҳукмронликка ўзининг «евро» валютаси билан курашишга уринмоқда, айрим давлатлар эса тилла ва кумуш низомига қайтишга ҳаракат қилмоқда. Лекин Америка тилла низомига қайтмоқчи бўлган ҳар бир ҳаракатга қарши курашмоқда;

Учинчиси - ривожланаётган давлатларни оғир саноатни ривожлантиришдан, ҳатто енгил саноатнинг кўп соҳаларини ривожлантиришдан тўсиб, уларни фақат истеъмол бозорларига айлантириш;

Тўртинчиси - ривожланаётган давлатларни Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки орқали хатари аниқ бўлган фоизли қарзларга кўмиб ташлаш;

Бешинчиси - ўз ватанида «кераксиз» бўлган ва иш қидириб Ғарбга кўчиб кетишга мажбур бўлган мутахассис ва муфаккирларни кенг кўламда жалб қилиш;

Олтинчиси - бу юртларда озиқ-овқат хавфсизлиги йўқолишига олиб борадиган сиёсатни - асосан Халқаро валюта жамғармаси орқали - ишлаб чиқиб, уни аввалда ўз эҳтиёжини қоплашга ва кенг

имкониятларга эга юртга татбиқ қилиш, токи у ёрдамлар, совға ва қарзларга қарам бўлиб қолсин;

Еттинчиси - давлатларни вақт ўтиши билан тезда занг босиб қоладиган қуроолларни сотиб олишга мажбур қилиш учун иқлимий урушларни алангалатиш;

Саккизинчиси - ривожланмаган юртларда хавфсизлик соҳаси беқарорликка юз тутиши учун фаолият олиб бориш, токи сармоялар Европа ва Америка сингари хавфсизроқ юртларга кўчиб ўтсин. Бунинг оқибатида Америка ўша сармояларни хоҳлаган вақтда музлатиб қўйиш имкониятига эга бўлади. Фақатгина араб мамлакатларининг Фарбдаги сармоялари ҳажми камида 800 миллиард (!) долларга етганини билишимиз ривожланмаган Исломий юртлардан олиб чиқиб кетилган маблағлар миқдорини тасаввур қилишимизга кўмаклашади. Бошқа ривожланаётган давлатлардан олиб чиқиб кетилган маблағларни айтмаса ҳам бўлаверади.

Тўққизинчиси - аксарият юртлардаги иқтисодий манфаатларга глобаллаштириш, хусусийлаштириш ҳамда улкан капиталистик ширкат (трансмиллий корпорация)лар эгалик қиладиган сармоялар киритиш орқали ҳукмрон бўлиш;

Ўнинчиси - вазифаси Фарб манфаатларни ҳимоя қилиш бўлган қўшин ва жосуслик хизматлари ҳамда малай ҳоқимларни тайинлаш;

Ўн биринчиси - оламнинг айрим хос минтақаларига - у ерлардаги нуфузини ҳимоя қилиш учун - ҳарбий куч жойлаштириш. Америка Форс кўрфази, Сино ярим ороли, Ўрта Осиё, Туркия ва бошқа жойларда айнан шундай қилди. Булар бойликлар талон-торожини осонлаштирувчи ҳарбий денгиз флотларидан ташқаридир;

Ўн иккинчиси - заиф ҳолида давом этиши ва улар устидан ўз ҳукмронлигини кафолатлаш учун дунёда истиқлол номи остида майда давлатчалар пайдо қилиш учун фаолият олиб бориш;

Ўн учинчиси - мағлуб халқлар устидан ўз ҳукмронлигини давом эттириш, уларни ўзини-ўзи ўзгартириш ҳамда мустамлакачилар чангалидан озод бўлиш ҳақида фикрлашдан узоқлаштириш мақсадида ўз сақофий ва ҳазорий тушунчаларини ёйиш;

Ўн тўртинчи - айрим давлатларга нисбатан - худди Ироққа қарши қўлланилгани каби - қамал (эмбарго) услубини қўллаш. Бунинг учун Америка БМТнинг Хавфсизлик кенгашига Ироқни

қамал қилиб, Америка ҳарбий денгиз кучлари у билан бўладиган савдо-сотиқни чеклаш учун куч ишлатишига ҳуқуқ берувчи 665-сонли қарорни чиқартириб олди. «Етакчилар» китобининг муаллифи Боб Вудворд ушбу қарорни шарҳлаб, жумладан шундай дейди: «Мана бу қарор Бирлашган миллатларнинг 45 йиллик тарихида биринчи марта содир бўлган иқтисодий қамални амалга ошириш ҳуқуқини ташкилотнинг ўзига эмас, балки аъзо мамлакатга беришдир. Бу Америка маъмуриятининг ёрқин ғалабаси бўлди».

### **Сиёсий кураш**

Капиталистик Ғарб сақофати билан мусулмонлар ўртасидаги сиёсий курашга келсак, у қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчиси - Ғарб 1924 йили Халифаликни қулатиши;

Иккинчиси - Фаластинда яҳуд давлатини барпо қилиб, уни ва унинг ҳарбий устунлигини ҳимоя қилиш;

Учинчиси - мусулмонлар жамоасини бўлиб ташлаши ва мустақиллик номи билан шу каби бўлинишга рағбатлантириши. Бунинг натижасида олтмишга яқин давлатча вужудга келди. Ғарб парчалаш ва бўлиб ташлаш учун ҳали ҳануз тинимсиз фаолият олиб бормоқда. Бўлинишнинг хатари ақлли киши учун сир эмас. Мусулмонлар ушбу мустақиллик фикратига бўйин эгиб, унинг учун курашмоқда, ҳолбуки у ҳазоратларига ва тушунчаларига мутлақо зиддир. Аллоҳ уларни ажралмаган ҳолдаги жамоа бўлишга буюрган. Улар эса кечаю кундуз Аллоҳнинг ушбу:

وَاعْتَصِمُوا بِحَبْلِ اللَّهِ جَمِيعًا وَلَا تَفَرَّقُوا

– „Ва барчангиз Аллоҳнинг арқони (Қуръони)га боғланингиз ва бўлинмангиз!“ [3:103]

қавлини тиловат қилиб, бўлиниш ва бўлинган гуруҳларни муқаддаслаштириш томон кетмоқдалар. «Жамийъа» сўзи Аллоҳнинг арқонини ушловчилардан ҳол бўлиб, маъноси жамоат деганидир. У Расулulloҳ ﷺнинг ушбу сўзларидаги жамоанинг ўзгинасидир: **«Кимики сизларнинг ишингиз бир кишида жам бўлиб турган ҳолда сизларни исён қилдирмоқчи ёки жамоаларингизни бўлиб ташламоқчи бўлиб келса, уни қатл қилинглар»**. Демак, бу ерда бир кишининг остида жамоа бўлиш ҳамда жамиъан деган сўзлар бир маънода келган.

Тўртинчиси - шакл жиҳатидан жумҳурият ва қироллик бўлган низомларни Исломиё ўлкаларда татбиқ этиб, ҳокимиятни Фарбдаги каби уч тармоқ орасида тақсимлаш;

Бешинчиси - Исломиё давлат бўлмиш тўғри йўлдаги Халифаликни барпо қилиш орқали вазиятни ўзгартириш учун фаолият олиб бораётган жиддий ҳаракатларга қарши курашиш. Уларни гоҳида экстремист, гоҳида фундаменталист деб аташмоқда. Уларнинг бу кураши камдан-кам ҳолатда бевосита бўлиб, аксарият ҳолатда ўз малайларининг қўли билан амалга оширилмоқда. «Арабий» мажалласи 514-сонида ёзишича: «Оқ уйнинг Ўрта Шарқ масаласи бўйича масъул ходими Мартин Индик минтақа хусусида: «Америка минтақада бажариши лозим бўлган иш дўстона муносабатдаги мамлакатларнинг экстремизмни чеклаб қўйишига кўмаклашишидир», - деди. Агар улар ушбу ҳаракатлар фаолиятини чеклаб қўёлмаса, унда «муътадил тараққийпарвар дўстлари» воситасида кескин чора ва ёвузлик билан уларни эзиб ташлайди. Улар ҳақида Никсон «Қулай фурсат» номли китобида шундай дейди: «Исломиё мамлакатлардаги аксарият сиёсатчиларнинг Исломга муносабати унинг урф ва анъаналарига бўлган муносабатидан ортиқ эмас... Тараққийпарварлар: бу мажмуанинг гайрати сезиларли..., у мусулмонларни сиёсий ва иқтисодий томондан замонавийлашган оламга боғлашга ҳаракат қилади. Бу мажмуа мослашувчанлик билан ажралиб туради ва Фарбни худосиз деб сифатламасдан, балки унга аҳли китоб номини ишлатади. Тараққийпарварлар ҳукмрон бўлиб турган айрим давлатлар демократик давлатлардир - Туркия ва Покистон каби... Биз араб оламидаги тараққийпарварларга ёрдам бермоғимиз лозим... Америка сиёсатининг асоси тараққийпарвар мусулмонлар билан стратегик ҳамкорликдадир... Биз мақсадларимизни тараққийпарварларга боғлиқ қилган эканмиз, ҳамкорлигимиз барча иқтисодий ва хавфсизлик соҳаларини ўз ичига олиши лозим... Шу боис Америка билан ҳамкор давлатлар ўртасидаги алоқа буйруқ бериш даражасига етиб бормаслиги лозим ва тараққийпарвар давлатлар раҳбарлари биз билан халқларининг ўртасидаги мухбирлардек бўлиб қолиши керак эмас. Биз улар билан тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида муносабатда бўлишимиз зарур. Уларга Фарбни ташвиқот қилувчи жарчи сифатида муносабатда бўлишимиз уларни бир лаҳзадаёқ кўмиб ташлайди... Биз баъзан Ислом оламидаги дўстларимизга қийинчилик туғдираётгани туфайли улар бизнинг

айрим ишларимизга раддия беришини қабул қилишимиз лозим...». Уммат бу «мўътадил тараққийпарвар дўстлар»ни яхши танийди. Унга Ироқ, Миср, Туркия, Ўзбекистон, Жазоир, Сурия, Ливия ва Тунис ҳокимлари шу умматнинг мухлис ўғлонларига нисбатан қилган қилмишларини эслатишнинг зарари йўқ.

Олтинчиси - заиф давлатлар, шу жумладан Ислом оламидаги мавжуд давлатлар ишларига аралашаётган қонуний тус бериш учун БМТ ва Хавфсизлик кенгашини ташкил этиш. Агар Америка айрим катта давлатларнинг ўжарлиги туфайли Хавфсизлик кенгаши орқали аралаша олмаса, у Хавфсизлик кенгашидан ҳам, БМТдан ҳам ҳатлаб ўтиб, якка ўзи ишни бошқараверади. Худди «Терроризмга қарши солибчилик ҳужуми» деб атаган ҳужуми каби. Бу билан у хоҳлаган жойига тушиб, хоҳлаган кишиларга зарба бермоқда. Никсон «Қулай фурсат» номли китобида ушбу сиёсатга тўхталиб, жумладан шундай дейди: «Агар Қўшма штатлар манфаатларига путур етadиган бўлса, Америка имкони борича Бирлашган миллатлар билан ҳамкорликда иш олиб боради. Аммо бундай ҳамкорлик амри маҳол бўлса, ишни унга таянмасдан якка ўзи олиб бораверади». Массачусетс университетининг сиёсий фанлар бўйича профессори Коллард Пауэр бир журналда чоп этган мақоласида шундай дейди: «Шу нарса аниқки, халқаро қонун ер шарининг гарбий ярмига тўғри келмайди... Инсон ҳуқуқларини поймол қилиш, модомики Америка манфаатларига хизмат қилар экан, мақбул бўлиб қолаверадиганга ўхшайди».

Еттинчиси - манфаатпараст ва жаҳолатпарастлардан бир қанчасини йиғиб, уларга ҳизб (партия)лар деб ном бериш. Агар мақсад қилинган режага битта партиялик низом билан эриша олмаса, уларнинг бирига ҳокимиятни топширади, қолганларини эса мухолифат сифатида эътироф этади.

Булар капиталистик ҳазорат издошлари мусулмонлар ва бошқаларга қарши уюштираётган сиёсий курашнинг айрим кўринишларидир. Улар бу кўринишдаги барча соҳаларда шубҳасиз муваффақият қозонди. Бунинг сабаби Халифалик давлатида намоён бўлувчи солиҳ бошлиқ ва солиҳ низом йўқлигидир.

### **Ҳарбий кураш**

Энди ҳазоратлар ўртасидаги охириги кураш тури - ҳарбий курашга кўчамиз. У мусулмонларда жиҳод деб номланиб, катта

бобни ташкил қилади. Биз учун бу ердаги энг муҳим нарсалар: ҳарбий курашнинг, хусусан, Исломиё ҳазоратда муқаррарлигини исботлаш; айримларнинг талаб жанги (ҳужумкор жиҳод) вожиблигини инкор қилишга уриниши; Ислום тотувлик ва тинчлик дини, дейдиганларга раддия бериш; кейин Ислום террористик динми ёки йўқми, деган мавзуга тўхталиш.

Биз кофир ҳазорат издошларининг мусулмонларга қилган қилмишларидан бошлайлик, зеро буларнинг сезгилар ёрдамида ҳис қилингани учун сўзлардан кўра далолати кучлироқдир. Масалан, биз бирор кун қарши курашмаган Австралия Шарқий Тиморни босиб олди. Хитой Ўрта Осиё жанубидаги тўлиқ бир вилоятга босқинчилик қилмоқда, Россия Кавказ минтақаси, Қрим, Қозон ва бошқа бир қанча Исломиё ўлкаларда босқинчилик қилмоқда. Ҳиндистон Деҳли, Кашмир ва шимолий Ҳиндистоннинг барчасида босқинчилик қилмоқда. Америкаликлар Кўрфазнинг ҳаммасига ҳукмрон бўлиб, Ўзбекистондан тортиб Кўрфазгача бўлган Ўрта Осиёга сиёсий ва ҳарбий нуфузини ёймоқда, Сино ярим оролига ҳам қадамни қўймоқда, Туркиянинг Инжирлик минтақасида эса унинг катта ҳарбий базаси мавжуд. Шунингдек, Америка Франция ва Британия билан Африкага нуфуз ёйиш устида курашмоқда. Британияликлар Осиё ва Африкада собиқ нуфуз қолдиқларига эга, Кўрфаз ва Жабалут Ториқ (Гибралтар)да эса ҳарбий вужудга эга. Франция ҳам аҳолиси мусулмон бўлган бир қанча Африка давлатларида нуфузи бор. Серблар, хорватлар, юнонлар, румин ва болгарлар Исломиё ерларни босиб олган. Испанлар Андалус, Сеута ва Малилани босиб олган, италияликлар Ағолибнинг юрти бўлмиш Сицилияни эгаллаб олган, Исломиё ерлар бўлмиш Ўрта ер денгизи ороллариининг барчаси ҳозирги кунда босиб олинган. Филиппин ва Бурма ҳам Исломиё ерларни босиб олган. Яҳуд вужуди Шом ўлкаларининг бир қисми бўлмиш Фаластинни босиб олган. Расулulloҳ ﷺ бундай деганларида ҳаққи-рост гапирганлар: **«Яқинда сизларнинг устингизга турли миллатлар худди қорни оч одам ўз таомига ташлангани каби ташланади».** Шунда бир киши: **«Ўша куни биз озчилик бўламизми, ё Расулаллоҳ?»** деб сўраганда айтдилар: **«У кунда сизлар кўпчилик бўласиз, аммо ёмғир сувининг кўпиги каби бир кўпик бўласиз. Аллоҳ душманларингиз қалбидан сиздан ҳайбатланишни олиб ташлайди, сизларнинг қалбингизга эса**

**заифликни солиб қўяди». Бир киши: «Ё Расулаллоҳ, заифлик нима?» деб сўради. Дедилар: «Дунёга бўлган муҳаббат ва ўлимни ёқтирмаслик» (Абу Довуд Савбондан қилган ривояти).**

Ушбу аламли воқе куфр ҳазорати издошлари мусулмонларга қарши олиб бораётган курашни исботлаш учун етарли бўлса-да, бироқ уни ўша куфр ҳазоратларининг издошлари бўлмиш сиёсатчи ва муфаккирлар сўзлари билан тасдиқлашга монелик йўқ.

- Никсон «Урушсиз ғалаба» китобида шундай дейди: «Ҳақиқий ифтихор низодан четланишдан эмас, балки унинг тўполонида бўлишимиздан, мабдаларимиз, манфаатларимиз ва дўстларимиз учун курашишимиздан ҳосил бўлади... Демак, олам қай йўсинда юриши ҳақидаги гумонларимизни улоқтиришимиз лозим. Америкаликлар кураш нотабий нарса, турли-туман халқлар аслида бир-бирига ўхшаш, ихтилофлар тушунмовчиликка бориб тақалади, доимий ва мукамал тинчлик етишиш мумкин бўлган ғоядир, деб эътиқод қилишга мойил. Лекин тарих ушбу гаплар нотўғрилигини исботлайди. Бунинг сабаби шуки, ҳар бир уммат бошқасидан асосий жиҳатлар - сиёсий анъаналар, тарихий тажриба ва ҳаракатга келтирувчи мафкураларда - фарқ қилади. Булар эса одатда низо келтириб чиқарувчи жиҳатлардир. Қарама-қарши манфаатлар эса тушунмовчиликка, низоларга ва алал-оқибат урушларга олиб боради... Мукамал тинчлик, яъни низолардан холи бўлган олам эса хом хаёлдан ўзга нарса эмас. Бу каби тинчлик ҳеч қачон бўлмаган ва ҳаргиз бўлмайди ҳам». У ўзининг «Қулай фурсат» китобида яна шундай дейди: «Манфаатлардан айрилиш Қўшма штатлар хавфсизлигига таҳдид соладиган бўлса, у ҳаётий манфаатга айланади. Демак, Фарбий Европа, Япония, Канада, Мексика ва Кўрфаз давлатлари мустақиллигининг давом этиши юртимиз хавфсизлиги нуқтаи назаридан ҳаётий масаладир. Шунингдек, ривожланмаган давлатлар ядро қуролига эришмаслигида биз учун ҳаётий манфаат бор. Қўшма штатлар ўз манфаатларига қарши бўлган таҳдидни қайтариш учун қуролли кучдан ўзга воситага эга эмас... Исроил ва Жанубий Корея каби таҳдид қилинаётган демократик давлатларни ҳимоя қилиш учун - лозим топилса - биз ҳарбий кучни ишга солишга тайёرمىз».

- 1980 йил 23 январ куни президент Картер Америка конгресси олдида президентларнинг анъанавий «Бирлик давлати» нутқини тақдим этиб, жумладан шундай деган эди: «Бизнинг мавқеимиз

жудаям аниқ. Хорижий кучлар томонидан Кўрфаз минтақаси устидан ўз назоратини ўрнатишга бўлган уриниш Қўшма штатларнинг ҳаётий манфаатларига уюштирилган ҳужум, деб эътибор қилинади. Бундай тажовуз лозим топилган ҳар қандай восита, шу жумладан ҳарбий кучни ишга солиш билан ҳам тўсилади».

- 1990 йил 2 ноябрда Генри Киссинжер «Едиот Ахронот» рўзномасида «Эй Америка, яқинда тўхтатиб турувчи кучдан маҳрум бўласан» сарлавҳаси остида бир мақола чоп этиб, жумладан шундай деди: «Ҳарбий воситани ишга солиш, шубҳасиз, қийин ва оғир ишдир. У Ислоний юртларда намоёишлар тўлқинини келтириб чиқариб, террористик ҳужумларга янгидан туртки бериши мумкин. Лекин бу хавфлар Америка ожизлигининг белгилари бора-бора минтақадаги мўътадил ҳукуматларнинг емирилиши, қарама-қаршилиқ даражаси ортиб бориши ва барча тузумларнинг тугашига олиб боровчи шафқатсиз кураш хавфлари билан солиштириб кўрилиши лозим».

- 2001 йил 18 сентябрда интернетдаги «Америкаликлар» саҳифасида Франциянинг «Ле Фигаро» рўзномаси собиқ президент Никсоннинг маслаҳатчиси, собиқ мудофаа вазири, ҳозирда халқаро ва стратегик тадқиқотлар марказида маслаҳатчи бўлиб ишлаётган Жеймс Шлезингер билан ўтказган учрашуви тафсилотлари чоп этилди. Шлезингер жумладан шундай дейди: «Бу тармоқлар (террористик ташкилотлар)ни томири билан қўпориб ташлашга узоқ вақт керак бўлади, чунки улар эгаллаган мавқеларидан келиб чиққан кучли ундовчи омилга эгадир».

- «Ал-Жазира» телеканали уюштирган «Асрнинг биринчи уруши» дастурида дастур муаллифи Генри Киссинжер «Вашингтон пост» рўзномасида чоп этган «Қасоснинг ўзи кифоя эмас» сарлавҳали мақоласида шундай деганини келтиради: «Содир этилган ҳужумга ушбу ҳужумни вужудга келтирган омилга қарши қақшатқич зарба бериш билан жавоб бериш даркор».

- Шимолий Атлантика иттифоқи (НАТО)нинг собиқ котиби Клаус Науманн НАТО Ислонни ўз адовати учун собиқ Совет иттифоқи ўрнига нишонга қўйганини расмий эълон қилди.

- «Би-би-си онлайн» 2001 йил 17 сентябрда кичик Жорж Бушнинг қуйидаги сўзларини келтирди: «Бу салибчилик ҳужуми, бу терроризмга қарши уруш узоқ вақт давом этади».


• Самюэл Хантингтон «Америка ташқи ишлари» журналида чоп этган мақоласида: «Асрлардан буён Ғарб билан Ислом ўртасида давом этиб келаётган бу ҳарбий тўқнашув кескинлигининг пасайиш эҳтимоли жуда ҳам оз. Аксинча, унинг ёвузлиги ва кескинлиги ошиши мумкин...», дейди.

• Шимон Перес ўзининг «Янги Ўрта Шарқ» китобида: «... Биз гоёмизга етишадиган халқмиз. Эллик авлодимиз сочилиб, тарқалиб яшагандан кейин, эллик авлодимиз бошдан кечирган зулму ситам, азоблар ва ҳалокатлардан кейин ер юзидаги бирор куч бизларни бу ер (Фаластин)ни тарк қилишга мажбурлай олмайди. Биз истиқлолимизни янгилашга, тинчлигимизни кафолатлашга ва иззат-эҳтиром билан яшашимизга имкон берадиган оламдаги ягона жойдан ҳаргиз жилмаймиз...», деб ёзади.

• Стив Данлеви «Сешанба ҳодисаси» (11 сентябр)дан кейин «Нью Йорк Пост» рўзномасида шундай деб ёзди: «Бу ҳаромаларни ўлдиришлар, қотилларни машқ қилдиришлар, ёлланма қотиллар билан битим тузинглар, каллакесарлар уларни тириклайин ёки ўлик ҳолатда - ўлиги афзалроқ - олиб келиши учун миллионлаб доллар ажратинглар. Бу қуртларга бошпана бераётган шаҳарларни эса бомбалар билан баскетбол майдонларига айлантиринглар».

## **ИСЛОМДАГИ ҲАЗОРИЙ КУРАШНИ ИНКОР ҚИЛУВЧИЛАРНИНГ ГУМОНЛИ ДАЛИЛЛАРИ**

Мана булар уларнинг қилмишлари-ю гаплари бўлиб, бири иккинчисига жуда ҳам монанд. Адаштирувчилар ва айрим содда мусулмонлар суҳбат қуришдан ўзга барча нарсадан бош тортиб, ҳазоратлар ўртасидаги тўқнашув ва курашни нотўғри деб, уни умуман инкор этишмоқда. Ушбу умматнинг айрим вакиллари эса динлараро суҳбатлашиш фикратига қаттиқ ёпишиб, мулҳидликка қарши курашиш сингари Ислом билан насрония ўртасидаги бирлашиш нуқталарини излаб, куфр битта миллат эканини:



– „Сизларнинг динингиз ўзларингиз учун, менинг диним ўзим учундир!“ [109:6]

ёддан чиқариб ёки билмасликка олиб, бу суҳбатга насронияни хосламоқда. Аллоҳ Субҳонаҳу ва Таоло кофирларга кўплик сийғаси билан хитоб қилиб:

قُلْ يَا أَيُّهَا الْكَافِرُونَ ﴿١﴾

– „*(Эй Муҳаммад), айтинг: «Эй кофирлар!»*“ [109:1]

деди. Сўнгра динни бирлик сонида келтириб:

لَكُمْ دِينُكُمْ وَلِيَ دِينِ ﴿٦﴾

– „*Сизларнинг динингиз ўзларингиз учун, менинг диним ўзим учундир!*“ [109:6]

деди. Ёки Фаластин масаласи ечимдаги бирлашиш каби. Ахир яҳуд давлатини пайдо қилган, уни муҳофаза қилиб, маблағ, қурол-яроғ ва қўллаб-қувватлов билан ёрдам берган капиталистик ҳазоратга асосланган куфр давлатларининг ўзи эмасми?! Фикр малайлари бўлмиш адаштирувчиларнинг бажарадиган вазифалари бор. Аммо соддадил мусулмонлар эса вақтларини беҳудага кетказиб, фойдасиз нарсалар билан машғул бўлмоқдалар ва шу билан ҳаммани чалгитишга ҳисса қўшмоқдалар. Яҳуд ёки насронийлар таклиф қилаётган учрашув, суҳбат ва йигинларда қатнашмоқда, ҳолбуки булар ишониб бўлмайдиган чақириқлар бўлиб, уларнинг жарчилари бизни динимиздан узоқлаштирмоқчи ва ҳақни ботилга қориштирмоқчи бўлиб, бу соҳада бор кучини сарфламоқда:

وَلَنْ تَرْضَىٰ عَنْكَ الْيَهُودُ وَلَا النَّصَارَىٰ حَتَّىٰ تَتَّبِعَ مِلَّتَهُمْ

– „*Яҳудий ва насронийлар уларнинг динига кирмагунингизча ҳаргиз сиздан рози бўлмайдилар*“, [2:120]

إِنَّ هُدَىٰ اللَّهِ هُوَ الْهُدَىٰ وَلَئِنَّ آتَّبَعْتَهُمْ بَعْدَ الَّذِي جَاءَكَ مِنَ الْعِلْمِ مَا لَكَ مِنَ اللَّهِ مِنْ

وَلِيٍّ وَلَا نَصِيرٍ ﴿١٢٠﴾

– „*Айтинг: «Аллоҳнинг йўлигина ҳақиқий йўлдир». Қасамки, агар сизга келган ҳақиқий билимдан кейин уларнинг нафс-ҳаволарига эргашсангиз, Аллоҳ тарафидан сизга на бир дўст ва на бир ёрдам бергувчи бўлади*“ [2:120]

Шунингдек:

وَدُّوا لَوْ تُدْهِنُ فَيُدْهِنُونَ ﴿٩﴾

– „Улар сизнинг (ўзларига) кўнгилчанлик-муроса қилишингизни истарлар, шунда улар ҳам (сизга) кўнгилчанлик қилурлар“, [68:9]

яъни, уларга мулойим бўлишингизни истайдилар. Бу оят, гарчи Макка мушриклари тўғрисида нозил бўлган бўлса-да, барча кофир ва мушрикларга мос келади. Аҳли китоблар кофир эканлигини оятлар қатъийян исботлаган, саҳобалар ижмо қилган, Исломиё уммат эса буни жуда яхши билади. Шунга биноан, уларга ялтоқланиш ёки улар билан мулойим муомалада бўлиш жоиз эмас, балки уларнинг динлари сохталлигини, куфр ва ботиллигини баён қилиш ҳамда ҳақ дин бўлмиш Исломи динига уларни даъват қилиш вожибдир. Халифалик давлати қоим бўлгач, улар Исломига даъват қилинади. Агар бош тортса, улардан жизя талаб қилинади, агар ундан ҳам бош тортса, бас, қиличдир. Аллоҳ Таолонинг:

وَلَا تُجَادِلُوا أَهْلَ الْكِتَابِ إِلَّا بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ

– „(Эй мўминлар), сизлар аҳли китоб билан фақат энг чиройли йўсинда мужодала-мунозара қилинглар“, [29:46]

қавлини далил қилиб келтириб, оятнинг қолган:

أَمَّا بِالَّذِي أُنزِلَ إِلَيْنَا وَأُنزِلَ إِلَيْكُمْ وَإِلَيْنَا وَإِلَيْكُمْ وَاحِدٌ وَنَحْنُ لَهُ مُسْلِمُونَ ﴿٤٧﴾

– „Ва айтинглар: «Бизлар ўзимизга нозил қилинган (Қуръон)га ҳам, сизларга нозил қилинган (Таврот ва Инжил)га ҳам иймон келтирганмиз. Бизларнинг илоҳимиз ҳам, сизларнинг илоҳингиз ҳам бир (Илоҳ)дир ва бизлар Унгагина бўйинсунгувчимиз“», [29:46]

қисмига сукут сақлаб беркитиш чалғитишдан ўзга нарса эмас. Улардан зулм қилганлари эса энг гўзал мубоҳасадан истисно қилинган бўлиб, улар жанг қилган ва жизя тўламаган кимсалардир. Демак, талаб қилинган нарса улар билан гўзал мубоҳаса қилиш эмас, балки орани очиқ қилмоқдир.

Аллоҳ Таолонинг ушбу қавлини:

وَقُلْ لِلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ أَعْمَلُوا عَلَىٰ مَكَائِكُمْ إِنَّا عَامِلُونَ ﴿١١١﴾ وَانظُرُوا إِنَّا مُنْتَظِرُونَ ﴿١١٢﴾

– „Иймон келтирмайдиган кимсаларга айтинг: «Ўзларингиз билган амалларингизни қилаверингиз, биз ҳам ўз амалимизни қилгувчимиз. Ҳамда (қилаётган ишларингизнинг оқибатини) кутаверингиз, биз ҳам кутгувчилармиз“», [11:121-122]

улар билан тинч-тотув яшашга далил қилиш хатодир. Чунки бу буйруқ дўқ ва таҳдидни ифодаламақда. Биз уларга дўқ ва таҳдид қилишдан ташқари, то улар мусулмон бўлгунча ёки жизя бергунча

(бунинг баёни кейинроқ келади) жанг қилишга маъмурмиз. Тинч-тотув яшаш бу ерда борми?! Аллоҳ Таолонинг ушбу:

إِنَّ الدِّينَ آمَنُوا وَالَّذِينَ هَادُوا وَالصَّابِّينَ وَالنَّصَارَى وَالْمَجُوسَ وَالَّذِينَ أَشْرَكُوا إِنَّ اللَّهَ يَفْصِلُ  
بَيْنَهُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ إِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ شَهِيدٌ ﴿١٧﴾

– „Дарҳақиқат, иймон келтирган зотлар, яҳудий бўлган кимсалар, собийй (фаришталарга сиғинувчи)лар, насронийлар, мажусий (оташпараст)лар ва мушрик бўлган кимсалар - аниққи, Аллоҳ қиёмат кунда уларнинг ўртасини ажрим (яъни, мўминларни жаннатга дохил қилур, кофирларни дўзахга гирифтор) қилур“, [22:17]

қавлини биз билан улар ўртасидаги эътиқод ва яшашдаги ихтилофни қиёмат кунни орамизни ажрим қиладиган Аллоҳга ташлаб қўйишга далил қилишдан уларни Исломга киришга мажбурламаслик ирода қилинса тўғри. Бу билан Аллоҳ қиёмат кунни орамизни ажрим қилиши ирода қилинаётган бўлса, у ҳам тўғри. Аммо уларни ҳақ динга даъват қилмаслик ирода қилинаётган бўлса, бу ботил ва нотўғри бўлади. Чунки биз уларга мусулмон бўлгунча ёки жизя тўлагунча даъватни етказишга буюрилганмиз. Акс ҳолда жанг қилинади. Агар юқоридаги оятдан улар билан жанг қилмаслик ирода қилинмапти, дейилса у ҳам хатодир, зеро талаб жанги (ҳужумкор жиҳод) фарздир (бу ҳам кейинроқ баён қилинади).

Аллоҳ Таолонинг мана бу:

لَا يَنْهَاكُمُ اللَّهُ عَنِ الدِّينِ لَمْ يُقَاتِلُوكُمْ فِي الدِّينِ وَلَمْ يُخْرِجُوكُمْ مِنْ دِيَارِكُمْ أَنْ تَبَرُّوهُمْ  
وَتُقْسِطُوا إِلَيْهِمْ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُقْسِطِينَ ﴿٨﴾

– „Аллоҳ сизларни динларингиз тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз диёрларингиздан ҳайдаб чиқармаган кимсалардан - уларга яхшилик қилишингиздан ва уларга адолатли бўлишингиздан қайтармас“, [60:8]

қавлини уларга яхшилик қилиш, уларга нисбатан одил бўлиш ва гўзал муомалада бўлишга далил қилиб келтириш дурустдир. Бу оят Маккада иймон келтириб, ҳижрат қилмаган кишилар тўғрисида бўлганлиги туфайли уни далил қилиш бу мавзуга тўғри келмайди дейилади. Агар юқорида ҳар бир дин аҳллари мақсад қилинган десак, бундай далил қилиш биз билан жанг қилмаган ва бизларни

диёрларимиздан чиқариб юбормаган ҳар бир кишига мос келади. Лекин бу Фаластин мусулмонлари билан жанг қилган, уларни диёрларидан чиқариб юборган ёки чиқаришга қўмаклашганларни, шунингдек, бугунги кунда афгонлар билан жанг қилаётган ва уларни ўз диёрларидан чиқариб юбораётган ёки чиқаришга қўмаклашаётганларни ўз ичига олмайди. Шунингдек, иккинчи Кўрфаз урушидан буён Ироқда биз билан жанг қилаётган ҳеч бир қавмни ҳамда Кашмирда, Чеченистонда ва ўзга юртларда биз билан жанг қилаётганларни ҳам ўз ичига олмайди.

Аллоҳ Таолонинг ушбу:

وَإِنْ جَحَحُوا لِّلْسَلْمِ فَاحْنَحْ لَهَا

– „Агар улар сулҳга майл қилсалар, сиз ҳам унга мойил бўлинг“, [8:61]

қавли Исломи тинчлик дини, тинчлик унинг негизи деган нарсага ҳужжат қилинишига келсак, у қуйидаги оят:

فَلَا تَهِنُوا وَتَدْعُوا إِلَى السَّلْمِ وَأَنْتُمُ الْأَعْلَوْنَ

– „Бас, (эй мўминлар), сизлар (у кофирларга қарши жанг қилаётганингизда ҳаргиз) сусткашлик қилмангиз ва ўзларингиз устун-ғолиб бўлган ҳолларингизда (уларни) ярашга ҳам чақирмангиз!“ [47:35]

билан қўшиб тушунилади. Мусулмонлар иззат, куч-қувватга тўла жамоат бўлиб турганда уларга сулҳ керак эмас. Сулҳ тузишдан манфаат бор ёки йўқлигини белгилаш Халифанинг ваколатида. Халифа рухсат берган кишидан ўзгалар тузган сулҳнинг қиймати йўқдир. Агар Аллоҳ Таолонинг қуйидаги:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا ادْخُلُوا فِي السَّلْمِ كَافَّةً وَلَا تَتَّبِعُوا خُطُوَاتِ الشَّيْطَانِ إِنَّهُ لَكُمْ عَدُوٌّ مُّبِينٌ

– „Эй мўминлар, тўла ҳолдаги Исломга киринглар! Ва шайтоннинг изидан эргашманглар! Шубҳасиз, у сизларнинг очиқ душманингиздир“, [2:208]

қавли ҳужжат қилинса, аввало бу билан хитоб қилинганларни билиш, сўнгра «силм» деган сўзнинг маъносини билиш лозим, дейилади. «Мўминлар» сўзидан мусулмонларга хитоб қилинган бўлиши ҳам, Муҳаммад ﷺ дан илгариги пайғамбарларга иймон келтирганларга ҳам хитоб қилинган бўлиши мумкин. «Силм»дан мурод Исломи бўлиши ҳам, сулҳ бўлиши ҳам мумкин. Агар хитобдан Муҳаммад ﷺ га иймон келтирганлар ирода қилинса, уларга

«мўминларнинг сулҳига кириш» дейилишининг маъноси йўқ. Зеро, улар муҳориб эмас, балки ўзларига ўхшаш мўминлардир. Албатта, уларга «Исломнинг бир қисмига амал қилиб, қолган қисмини ташлаб эмас, балки барча қонунларига итоат қилиб, ҳад ва аҳкомларни барпо қилиш маъносида Исломга тўлиқ ҳолатда киришлар», дейилади. Агар хитоб қилинганлар собиқ пайғамбарларга иймон келтирганлар бўлса, улардан сулҳга кириш талаб қилинишининг маъноси йўқ. Бу нарса Қуръонда мавжуд эмас. Табарий: «Уларни сулҳга бошлаб чақириш Қуръонда мавжуд эмас», дейди. Демак, бундан мурод уларни Исломга даъват қилиш ва унга киришга тарғиб этишдир. Хитоб қилинган ким бўлишидан қатъий назар, бу оятда мусулмонларни кофирлар билан сулҳ тузиб, тинчликка киришишга, яъни муроса қилишга даъват қилиш йўқ.

Агар Аллоҳ Таолонинг ушбу:

﴿فَإِنْ اعْتَرَفْتُمْ بِالْإِيمَانِ إِلَى اللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَمَا كَانَ لِلْكَافِرِينَ أَنْ يُقَاتِلُوا الَّذِينَ آمَنُوا بِمَا هَدَى اللَّهُ سَبِيلًا﴾

– „Бас, агар сизлардан четланиб, сизларга қарши жанг қилмай, сулҳ тузишни таклиф қилиб келсалар, Аллоҳ сизлар учун уларнинг устига ҳеч қандай йўл бермайди“, [4:90]

қавли мусулмонларга қарши жангдан ўзларини четга олган муросасоз кофирларга қарши мусулмонлар биринчи бўлиб жанг бошлаши ҳаром эканлигига ҳужжат қилинса айтамикки, бу оят биз билан битим тузган қавмга борадиган мунофиқларга тааллуқли, яъни улар сулҳдагиларнинг ҳукмига тушади. Шунингдек, биз билан урушишни хоҳламай, қавмларининг қистови билан чиқиб, жангдан ўзини четга олганларга, яъни худди Бадр кунда мушриклар билан чиққанлар кабиларга тааллуқли. Дарҳақиқат, биз учун улар устига йўл йўқ.

Агар Аллоҳ Таолонинг мана бу:

﴿أَذِّنْ لِلَّذِينَ يُقَاتِلُونَ بِأَنَّهُمْ ظَالِمُونَ وَإِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ نَصْرِهِمْ لَقَدِيرٌ﴾

– „Ҳужумга учраётган зотларга мазлум бўлганлари сабабли (жанг қилиш) изни берилди. Албатта Аллоҳ уларни ғолиб қилишга қодирдир“, [22:39]

қавли кофирларга қарши биринчи бўлиб уруш очиш тажовузкорлик ва зулмдир, шунинг учун биз бундан қайтарилганмиз, деб ҳужжат қилинса айтамикки, бу оят жангчиларни эмас, балки унда қатнашмаган аёллар ва болаларни кўзда туттади.

Агар Аллоҳ Таолонинг мана бу:

إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ كُلَّ خَوَّانٍ كَفُورٍ ﴿٣٨﴾

– „Албатта Аллоҳ барча хоин ва куфрони неъмат қилгувчиларни суймас“, [22:38]

қавли бошқалар унга қарши биринчи бўлиб уруш бошлаган мазлум учун жангга рухсат эканлигига ҳужжат қилинса, оятдаги жанг қилишга бўлган буйруқ зулмни даф қилиш ҳолатига чекланган эмас, мутлақдир дейилади. Чунки Аллоҳ Таолонинг ушбу «мазлум бўлганлари сабабли» қавли жанг қилиш учун иллат эмас, балки воқенинг сифатидир. Бунинг сабаби шуки, Қурайш мушриклари мусулмонларга қаттиқ озорлар берарди, улар эса Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига шикастланган ва жароҳатланган ҳолларида шикоят қилиб келар, Расулуллоҳ эса уларга: «Сабр қилинглар, зеро менга жанг қилишга буйруқ берилгани йўқ», дер эдилар. Ҳижрат қилганларидан кейин Аллоҳ Таолонинг аввал уларни қайтаргандан кейин жанг қилишга буйруқ берган ушбу ояти нозил бўлди. Заҳҳок: «Расулуллоҳ ﷺнинг асҳоблари кофирлар уларга озор берган вақтда улар билан жанг қилишга изн сўради, шунда Аллоҳ Таоло ушбу:

إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ كُلَّ خَوَّانٍ كَفُورٍ ﴿٣٨﴾

– „Албатта Аллоҳ барча хоин ва куфрони неъмат қилгувчиларни суймас“, [22:38]

оятини нозил қилди. У зот ҳижрат қилганларидан кейин қуйидаги оят:

أُذِنَ لِلَّذِينَ يُقَاتَلُونَ بِأَنَّهُمْ ظَلَمُوا وَإِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ نَصْرِهِمْ لَقَدِيرٌ ﴿٣٩﴾

– „Ҳужумга учраётган зотларга мазлум бўлганлари сабабли (жанг қилиш) изни берилди. Албатта Аллоҳ уларни ғолиб қилишга қодирдир“, [22:39]

нозил бўлди», дейди. Шунга биноан, ушбу оят мусулмонлардан ўзларидан озорни даф қилишга бўлган тақиқни олиб ташлаш учун нозил бўлган эди. Демак у, ишора далолати билан жанг қилишга бўлган буйруқни ифодаласа-да, муайян ҳолат ҳақидадир. Бу оят Аллоҳ йўлида жанг қилиш шаръийлигининг баёни эмас, балки фақат озорни даф қилиш учун жанг қилиш шаръийлигини баён қилмоқда. Бу оят билан «Тавба» сурасидаги оятлар орасида қарама-қаршилиқ йўқдир. Шунингдек, «Тавба» сурасининг оятлари

кейинроқ нозил бўлган, шунинг учун бу ерда хослаш ҳам, аввалги оятларга чекланиб қолиш ҳам йўқ.

Агар ибн Абу Афвондан ривоят қилинган: Расулуллоҳ ﷺ дедилар: **«Эй инсонлар, душманга йўлиқишни орзу қилманглар ва Аллоҳдан офият сўранглар. Бас, агар уларга йўлиқсангиз сабр қилинг ва билингким, жаннат қиличлар сояси остидадир»** муттафақун алайҳ ҳадисни далил қилишса, айтамизки бу ҳадиснинг сулҳга алоқаси йўқдир. Зеро, ҳадис душманга йўлиқишни орзу қилишдан қайтаради, улар билан жанг қилишдан қайтармайди ёки улар билан сулҳ тузишга буюрмайди. Уламолар ушбу қайтариқ душманга йўлиқишдаги хурсандчиликдан наҳийдир, деганлар. Демак, юқоридаги ноўрин далил қилиш бўлади. Бу ерда далил қилиб келтиришга бошқа уринишлар ҳам борки, улар нафақат раддия, балки зикр қилишга ҳам арзимайди. Лекин биз уларни айрим кимсалар далилларни қандай тўғри келса, шундай тўплашдан парҳез қилмаслигини исботлаш учунгина келтирмоқдамиз. Уларнинг бор ғам-ташвиши Ислом жиҳод, жанг ва кураш дини эмас, балки тинчлик, хавфсизлик, омонлик ва тотувлик динидир, деб исботлашдир. Улар ушбу мавзу хусусида келтирган айрим «далиллари» - Аллоҳ Таолонинг қўйидаги оятлари:

﴿وَآمَنَهُمْ مِنْ خَوْفٍ﴾

- „... ва хавфу хатардан тинч қилди“, [106:4]

﴿حَرَمًا آمِنًا﴾

- „... тинч-осойишта ҳарам (Макка)“, [29:67]

﴿وَهَذَا الْبَلَدِ الْأَمِينِ﴾

- „Мана шу тинч-осойишта шаҳар (Маккаи Мукаррамага қасамки)“, [95:3]

﴿وَلَيبَدَلَنَّهُمْ مِنْ بَعْدِ خَوْفِهِمْ﴾

- „... хавфу хатарлардан сўнг тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишни...“, [24:55]

ва Расулуллоҳ ﷺнинг мана бу қавллари: **«Кимки сизлардан узининг гуруҳида тинч-осойишта бўлса»**. Қасамки, бу шариатни ва одамлар ақлларини писанд қилмасликдир.

## ТАЛАБ ЖАНГИ (ҲУЖУМКОР ЖИҲОД)НИ ИНКОР ҚИЛУВЧИЛАРНИНГ ГУМОНЛИ ДАЛИЛЛАРИГА РАДДИЯ

Ислом тинчлик дини деб айтаётганлар талаб жанги (ҳужумкор жиҳод)ни, яъни кофирларга қарши биринчи бўлиб жанг бошлашни инкор қилмоқда. Улар мудофааланиш жанги фикрини қабул қилиб, талаб жанги, яъни ҳужумни биринчи бўлиб бошлашни инкор қилмоқда. Уларнинг айримлари бугунги кунда ундай жиҳодга ҳожат йўқ, негаки моддий тўсиқларни ҳатлаб ўтиш ва уларга тўқнаш келмай туриб, кофирларга даъватни етказиш мумкин, бу интернет, оммавий ахборот воситалари, китоб ва нашралардан фойдаланиб, кофирлар юртларида масжидлар қуриш, Исломий марказлар очиш ва Аллоҳнинг динига киргизиш учун кишилар билан жонли алоқа ўрнатиш орқали амалга ошади, дейишгача етиб борди. Улар ушбу ишлар талаб жанги ўрнига ўтади, демоқда. Бу гаплар Китоб ва суннат насслари ҳамда саҳобалар ижмосига зиддир, зеро буларнинг барчаси бизга, гарчи кофирлар бизга қарши уруш бошламаса ҳам, мусулмон бўлмаса ёки жизя тўлаб, Ислом ҳукмига бўйин эгмаса - уларга қарши биринчи бўлиб уруш бошлашимизга буюрмоқда. Мазкур нусуслар **жиҳод сўз билан етказиш имконияти йўқ бўлган ҳолдагина вожиб бўлади**, деган иллат билан иллатланган эмас.

Китобдаги нусусларга келсак, улар Аллоҳ Таоло «Тавба» сурасида келтирган мана бу қавллари билан собитдир:

قَاتِلُوا الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَلَا بِالْيَوْمِ الْآخِرِ وَلَا يُحَرِّمُونَ مَا حَرَّمَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَلَا يَدِينُونَ دِينَ الْحَقِّ مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ حَتَّى يُعْطُوا الْجِزْيَةَ عَنْ يَدٍ وَهُمْ صَاغِرُونَ ﴿٢٩﴾

– „Аллоҳга ва охирага кунига ишонмайдиган, Аллоҳ ва Унинг пайғамбари ҳаром деган нарсани ҳаром деб билмайдиган, Ҳақ (яъни Ислом) динига эътиқод қилмайдиган аҳли китоблардан иборат бўлган кимсаларга қарши то улар хорланган (мағлуб) ҳолларида ўз қўллари билан (зиммаларидаги) солиқни тўламагунларича, жанг қилингиз!“ [9:29]

وَقَاتِلُوا الْمُشْرِكِينَ كَافَّةً كَمَا يُقَاتِلُونَكُمْ كَافَّةً وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ مَعَ الْمُتَّقِينَ ﴿٣٦﴾

– „Барча мушриклар сизларга қарши жанг қилгани каби сизлар ҳам барчангиз уларга қарши жанг қилингиз! Ва билингизки, Аллоҳ тақводорлар билан биргадир“, [9:36]



يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ جَاهِدِ الْكُفَّارَ وَالْمُنَافِقِينَ وَاغْلُظْ عَلَيْهِمْ وَمَأْوَاهُمْ جَهَنَّمُ وَبِئْسَ الْمَصِيرُ

– „Эй пайғамбар, кофир ва мунофиқларга қарши курашинг ва уларга қаттиққўл бўлинг. Уларнинг жойлари жаҳаннамдир. Нақадар ёмон оқибат бу!“ [9:73]

إِنَّ اللَّهَ اشْتَرَى مِنَ الْمُؤْمِنِينَ أَنْفُسَهُمْ وَأَمْوَالَهُمْ بِأَنْ لَهُمُ الْجَنَّةَ يُقَاتِلُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَيَقْتُلُونَ وَيُقْتَلُونَ وَعَدًّا عَلَيْهِ حَقًّا فِي التَّوْرَةِ وَالْإِنْجِيلِ وَالْقُرْآنِ وَمَنْ أَوْفَى بِعَهْدِهِ مِنَ اللَّهِ فَاسْتَبْشِرُوا



بِيعَتِكُمُ الَّذِي بَايَعْتُمْ بِهِ وَذَلِكَ هُوَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ

– „Албатта, Аллоҳ мўминларнинг жонларини ва молларини улардан жаннат баробарига сотиб олди - улар Аллоҳ йўлида жанг қилишиб, (кофирларни) ўлдирадилар ва (ўзлари ҳам Аллоҳ учун шаҳид бўлиб) ўлдириладилар. (Бундай мўминларга жаннат берилишига) Аллоҳ Таврот, Инжил ва Қуръонда Ўзининг ҳақ ваъдасини бергандир. Аллоҳдан ҳам аҳдига вафодорроқ ким бор? Бас, (эй мўминлар), қилган бу савдоларингиздан шод бўлингиз. Мана шу ҳақиқий буюк бахтдир“, [9:111]

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا قَاتِلُوا الَّذِينَ يَلُونَكُمْ مِنَ الْكُفَّارِ وَلْيَجِدُوا فِيكُمْ غِلْظَةً وَعَلِمُوا أَنَّ اللَّهَ مَعَ



– „Эй мўминлар, ёнларингиздаги кофирларга қарши жанг қилинглр ва улар сизлардаги куч-қувватни кўрсинлар! Билинглarki, албатта Аллоҳ тақводорлар билан биргадир“. [9:123]

Улар охирги нозил қилинган оятлар бўлиб, уларни хослайдиган ёки чеклайдиган ёхуд насх қиладиган нарса ворид бўлган эмас. Демак, улар жиҳод мудофааланиш урушини ҳам, ҳужумкор урушни ҳам ўз ичига олишига далил бўла олади.

Аммо Аллоҳ Таолонинг қуйидаги:

وَإِنْ جَحَحُوا لِّلْسَلْمِ فَاحْتَحِ لَهَا

– „Агар улар сулҳга майл қилсалар, сиз ҳам унга мойил бўлинг“, [8:61]



وَقَاتِلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ الَّذِينَ يُقَاتِلُونَكُمْ وَلَا تَعْتَدُوا إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْمُعْتَدِينَ

– „Сизларга қарши урушувчилар билан Аллоҳ йўлида жанг қилингиз ва тажовузкор бўлмангиз. Шубҳасиз, Аллоҳ тажовузкорларни севмайди“, [2:190]

أُذِنَ لِلَّذِينَ يُقَاتَلُونَ بِأَنَّهُمْ ظَلَمُوا وَإِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ نَصْرِهِمْ لَقَدِيرٌ ﴿٢٩﴾

– „*Хужумга учраётган зотларга мазлум бўлганлари сабабли (жанг қилиш) изни берилди. Албатта Аллоҳ уларни ғолиб қилишга қодирдир*“, [22:39]

оятларига келсак, улар ва уларга ўхшаш оятлар «Тавба» сўрасидаги оятларнинг умумийлигини хослашга ҳам, мутлақ келганини чеклашга ҳам ярамайди, зеро уларнинг барчаси «Тавба» сурасидаги оятлардан аввал нозил бўлган. Аввалги оят кейингисини хослай ҳам, чеклай ҳам олмайди. Чунки хослаш умумнинг бир қисмини насх қилиш ўрнидадир, яъни умумий ҳукмнинг бир қисмини бекор қилиб, ўрнига бошқа ҳукм қўйишдир. Модомики хослаш насх ўрнида бўлар экан, насх бўлиши учун носих (наسخ қилувчи) мансух (наسخ бўлувчи)дан кейин келиши шарт қилинади. Шунга биноан, ушбу оятлар «Тавба» сурасининг оятларини хослашга ярамайди, негаки улар аввалроқ нозил бўлган. «Тавба» сурасининг оятлари эса жиҳод хусусида нозил бўлган охириги оятлардандир. Демак, бу ерда хослаш содир бўлмайди. Хослаш ҳақида айтилган нарсалар чеклашга ҳам тўлалигича тўғри келади. Демак, чекловчи насс мутлақ нассни чеклаши учун ёки мутлақни чекланганга ҳамл қилиш (юклаш) саҳиҳ бўлиши учун ундан кейин ёки у билан бирга нозил қилинган бўлиши лозим. Шунга биноан, умум уни хословчи насс мавжуд бўлмаганлиги туфайли умумийлигича қолади, мутлақ ҳам чеклаш ёки ҳамл қилиш мумкин бўлган чекловчи насс мавжуд бўлмаганлиги туфайли мутлақлигича қолади.

Суннатга келсак, имом Бухорий ва Муслим Абдуллоҳ ибн Умардан қуйидаги ҳадисни келтиришади, Расулulloҳ ﷺ дедилар: **«Одамлар ёлғиз Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад Унинг элчиси эканлигига гувоҳлик бериб, намозни тўкис адо этиб, закотни бермагунча улар билан жанг қилишга буюрилдим. Агар шундай қилишсагина ҳақли бўлган қонларидан ташқарисини мендан сақлашади. Уларнинг ҳисоб-китоби эса Аллоҳнинг зиммасидадир»**. Бошқа ривоятда эса: **«Инсонлар ёлғиз Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигини айтмагунича улар билан жанг қилишга буюрилдим. Агар шуни айтишса, ҳақли бўлган жонлари ва молларидан ўзгасини мендан сақлаб қолишади ва уларнинг ҳисоб-китоби Аллоҳнинг зиммасидадир»**. Муслим Сулаймон ибн Бурайдадан, у

эса отасидан келтирган ҳадисда шундай дейди: Расулуллоҳ ﷺ қўшинга ёки сарияга амир тайинласалар, унга Аллоҳдан тақво қилишни, ўзи билан бирга бўлган мусулмонларга эса яхши муносабатда бўлишни тавсия қилардилар. Ва дердилар: **«Аллоҳнинг йўлида Аллоҳнинг номи билан ғазот қилинглар, Аллоҳга кофир бўлганлар билан жанг қилинглар. Ғазот қилинглар, тақсимотидан илгари ўлжадан олманглар. Хиёнат қилманглар, мусла қилманглар, ёш болаларни қатл қилманглар. Агар душман бўлмиш мушрикларга йўлиқсангиз, уларни учта фазилатга даъват қилинглар, улардан қай бирига розилик билдирса, рози бўлинг ва улардан тийилинг: Уларни Исломга даъват қилинг, агар розилик берса, қабул қилинг ва тийилинг. Диёрларидан муҳожирлар диёрига кўчишга даъват қилинг. Агар буни бажаришса, мусулмонларнинг ҳуқуқларига ва бурчларига эга бўлишларидан хабардор қилинг. Агар кўчишдан бош тортишса, уларни шундан хабардор қилингли, улар аъробий (бадавий) мусулмонлар каби бўлиб, мўминлар зиммасидаги ҳукм уларнинг ҳам зиммасида бўлади, аммо уларга ўлжалардан ҳеч нарса тегмайди, магар мусулмонлар билан жиҳод қилса бундан мустасно. Агар бундан ҳам бош тортишса, улардан жизя тўлашларини талаб қилинг. Агар розилик билдирса, қабул қилинг ва тийилинг. Агар ундан бош тортишса, уларга қарши Аллоҳдан ёрдам сўранг ва улар билан жанг қилинг».**

Бу иккала ҳадис жиҳодни биринчи бўлиб бошлашга очиқ тарғиб этмоқда. Расулуллоҳ ﷺ Ҳунайнда Ҳавозинга, Тоифни қамал қилганларида Сақифга, Мўъта ва Табукда Румга қарши биринчи бўлиб жанг бошладилар. Тўққиз йил давомида - сарияларни ҳисобга олмаганда - йигирма еттита ғазот қилдилар.

Жиҳод Исломи ёйиш учун Аллоҳнинг йўлида жанг қилиш эканлиги ва у биринчи бўлиб бошланадиган жанг эканлиги хусусидаги саҳобаларнинг ижмосига келсак, бунинг исботи Ироқ, Форс, Шом, Миср, Шимолий Африка, Хуросон, Кобул, Сижистон ва бошқа ерлар фатҳ қилингани билан ўз тасдиғини топади. Миср қибтийлари ҳам, барбар ва дайлабийлар ҳам мусулмонларга ҳужум қилмади. Бу юртларнинг барчаси саҳобалар замонида фатҳ қилинди. Улар биринчи бўлиб жанг бошлаб, бу юртларни фатҳ

қилишди. Шундан кейин ҳам жиҳод фақат мудофаа урушидир, Исломда талаб жанги йўқ, дейишга ўрин борми?!

## **ХОТИМА**

Гапнинг қисқаси шуки, ҳазоратлар тўқнашуви муқаррардир, у ўтмишда бўлган, ҳозир ҳам давом этмоқда. Бу тўқнашув Қиёмат кунидан озгина илгарироқ интиҳосига етгунича давом этиб қолади. Зеро, у энг ярамас халқлар устидагина қоим бўлмайди. Эй мусулмонлар, ўз бошини қумга кўмиб, хорлик ила чекиниб, суҳбатлашишга жар солувчиларга алданиб қолманглар. Аксинча, курашишга тайёргарлик кўринглар. Чунки Фарбнинг капиталистик ҳазорати сизларни ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мағлуб қилди, лекин фикрий жиҳатдан ҳаргиз мағлуб қила олмайди. Зеро, сизнинг ақидангиз унга қасд қилган кимсалар устидан ғолибдир ва у қалбларда тирик ҳолда турибди. Бироқ, ақидангиздан келиб чиққан ҳазоратингизнинг айрим тушунчаларида баъзи камчиликлар бўлиб, улар озгина хиралашган. Китоб ва суннатга мурожаат қилиб, уларни тозалаб, ёпишган чанг-ғуборни олиб ташланглар. Далилсиз гапларни ёки мужтаҳид бўлмаган кишиларнинг гапларини далил қилиб олишдан эҳтиёт бўлинглар. Чунки ҳозирги давр илми бўлмасдан туриб фатво берадиган жоҳил раҳбарлар давридир. Шу боис улардан эҳтиёт бўлинглар, балки ихлосли ва фаол олимларни излаб топиб, динингизни ўшалардан ўрганинглар. Зеро улар бугунги кунда ноёб бўлиб қолган зулматларни ёритувчи чироқдир. Ва шуни билингларки, пировардида галаба ва муваффақият Ислом ва мусулмонларникидир. Буни бизларга Аллоҳ ва Расули қатъий хабарларда ваъда қилган. Бас, Аллоҳнинг гўзал ваъдасига ишонинг, **ХАЛИФАНГИЗНИ** тиклаш ва жамоангизни ўзингиздан бўлган бир кишининг устига қуриш учун фаолият олиб боринг. Токи у тайёргарлик кўриб, умматни бирлаштирсин, душман қалбига қўрқув солиб, ҳудудларни ҳимоя қилсин, раиятга адолат қилсин, тақсимотни тенг қилсин ва Аллоҳ унинг қўли билан - гарчи мушриклар ёқтирмаса ҳам - бу динни барча динлар устидан ғолиб қилсин.

Парвардигоро, Уммати Муҳаммадни Сени рози қиладиган ва нусратингга муносиб ишга ҳидоят қил. Эй раҳм қилгувчиларнинг раҳмлироғи, ёлғиз Ўзингга ёлвориб, фақат Сендан ёрдам сўраймиз. Биз эшигингдаги заифлар, ҳимояннга ёлворувчилар ва ёрдамингга муҳтожлармиз. Динингга ёрдам бер, ваъдангни амалга ошир ва нусратингни тушир. Охирги дуоларимиз Сенга ҳамду сано айтишдир.

**Сафар 1423х - Май 2002м**

